Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

1988 йил 25 май, чоршанба.
№ 117 (4.313).
Баҳоси 3 тийин.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади

ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ Х ХАЛҚАРО ТОШКЕНТ КИНОФЕСТИВАЛИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА МЕҲМОНЛАРИГА

Тошкентда очилаётган Х Халқаро кинофестиваль қатнашчилари ва меҳмонларини чин кўнгилдан қутлайман.

Бадиий маданият одамларни яқинлаштириш, мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги маънавий алоқаларни йўлга қўйишдек ноёб имкониятга эгадир. Она ер — бизнинг муштарак хонадонимиздир ва жаҳон жамоатчилиги эндиликда мана шу заминни асраш учун, барча миллатлар ва миллий маданиятларнинг эркин равнақи учун, эзгулик, тинчлик ва интернационализм ғояларини мустаҳкамлаш учун сарфланадиган бирграликдаги куч-ғайратларнинг муҳимлигини тобора аниқ-равшан англаётганлиги қонуний бир ходир.

Кинематографчилар халқаро ҳамкорлик ва ишончни кенгайтириш, янги сиёсий тафаккурни қарор топтиришга ёрдам бериш учун катта имкониятларга эгадирлар. Бу галги Тошкент фестивали ана шу энг муҳим вазифани амалга оширишга ёрдам беради, деб умид қиламиз.

Кинофестиваль меҳмонлари ва қатнашчиларига сидқидилдан ижодий муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат тилайман.

М. ГОРБАЧЕВ.

КООПЕРАЦИЯ — ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ ҚУДРАТЛИ ОМИЛИ

ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИ

Мамлакат жамият социал-иқтисодий ва маънавий тараққиётини тубдан қайта қуриш муаммоларини амалда ҳал этиш даврига кирди. Шу боисдан ҳам давлат ҳокимиятининг олий органи — СССР Олий Совети 24 май куни навбатдаги сессияга йиғилиб, турмушимизни қайта қуришнинг халқ хўжалиги учунгина эмас, айни вақтда ҳар бир меҳнаткаш учун, унинг энг муҳим эҳтиёжлари ва манфаатларини қондириш учун таг-заминли аҳамиятга молик бўлган долзарб масалаларига мурожаат қилганлиги бежиз эмас. Эндиликда кооперацияннинг ленинча концепциясини қайта тиклаш ва ҳаётга татбиқ этишга биринчи даражали аҳамият берилмоқда.

Сайловчиларнинг наказларида ҳам, «КПСС Марказий Комитетининг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига Тезисларининг лойиҳаси тўғрисида»ги масалани кўпи кеча кўриб чиққан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ҳужжатларида мужассам бўлган турмушдаги ялпи фаолликда ҳам депутатлар партия XXVII съезди қарорларини амалга ошириш борасидаги ишчанлик кайфиятини ва ғайрат шижоатини сезиб турибдилар.

Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг тўққизинчи сессияси Кремлда эрталаб соат 10 да Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг қўшма мажлиси билан очилди.

Депутатлар ва меҳмонлар **М. С. Горбачев, В. И. Воротников, А. А. Громико, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, В. П. Никонов, Н. И. Рижков, Н. Н. Слюньков, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, В. В. Шчербицкий, А. Н. Яковлев, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, Ю. Д. Маслюков, Г. П. Разумовский, Ю. Ф. Соловьев, Н. В. Тализин, Д. Т. Язов, О. Д. Бакланов, А. П. Бирюкова, А. Ф. Добринин, А. И. Лукьянов, В. А. Медведев, И. В. Капитонов** ўртоқларни қарсаклар билан кутиб олдилар.

Миллатлар Советининг раиси **А. Э. Восс** мажлисни очар экан, қуйидаги масалалар кўриб чиқиш учун сессияга тақдим этилаётганлигини айтди:

1. СССР Олий Совети Президиумининг составидаги ўзгаришлар тўғрисида.
2. СССРдаги кооперация тўғрисида СССР Қонуни лойиҳаси ҳақида.
3. КПСС XXVII съезди қарорлари асосида уй-жой, ва маданий-маиший қурилиш программасининг бажарилишини таъминлаш юзасидан совет ва хўжалик органларининг иши тўғрисида.
4. СССР Олий судининг фаолияти тўғрисида ҳисобот.
5. СССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

Мазкур кун тартиби, шунингдек сессиянинг иш тартиби бир овоздан тасдиқланди.

Шундан кейин кун тартибидаги биринчи масала юзасидан сўз КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари, депутат **Е. К. Лигачев**га берилади.

Партия Марказий Комитети, оқсоқоллар кенгашининг топшириғига биноан сизларнинг муҳокамангизга ССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми составидаги баъзи ўзгартишлар тўғрисида қуйидаги таклифларни киритишга ижозат бергайсиз.

Аввало, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари тўғрисида. Сизларга маълумки, қарор топган практикага кўра, одатда иттифоқдош республикалар Олий Советлари Президиумларининг Раислари бўлиб ишлаган Р. Н. Нишонов билан Р.-Б. И. Сонгайла ҳозирги вақтда республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг биринчи секретарлари этиб сайланганлар, Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси бўлиб ишлаган С. Мукашев эса пенсияга чиқди. Мазкур ўртоқларни ССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари вазифасидан озод қилиш тўғрисида таклиф киритиладилар.

Ўзбекистон, Қозоғистон ва Литва иттифоқдош республикаларнинг партия ҳамда Совет органлари шу иттифоқдош республикалар Олий Советлари Президиумларининг Раислари бўлмиш П. Ҳабибуллаев, З. К. Камалиденов, В. С. Астраускани ССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари этиб сайлашни таклиф қилмоқдалар.

Энди ССР Иттифоқи Олий Совети Президиумининг аъзолари тўғрисидаги таклиф. Б. Н. Ельцин ССР Иттифоқи министри этиб тайинланганлиги, И. Б. Усмонхўжаев ҳозирги вақтда пенсияда эканлиги муносабати билан уларни ССР Иттифоқи Олий Совети Президиумининг аъзолари вазифасидан озод қилиш таклиф этилади.

Москва, Ўзбекистон, Бошқирдистон партия ва Совет органлари партия Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари, Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Л. Н. Зайковни, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишоновни ва Бошқирдистон область партия комитетининг биринчи секретари Р. Ҳ. Ҳабибуллинни СССР Олий Совети Президиумининг аъзолари этиб сайлаш ҳақидаги таклифни киритадилар.

Ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиумининг составидаги ўзгартишлар тўғрисида ССР Иттифоқи Олий Совети Президиумининг муҳокамасига киритилаётган таклифлар мана шулардан иборат.

Сессия депутатлардан **П. Ҳабибуллаев, З. К. Камалиденов, В. С. Астраускани** бир овоздан СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари қилиб сайлади. Депутатлардан Р. Н. Нишонов, С. Мукашев, Р.-Б. И. Сонгайла СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари вазифасидан озод этилдилар.

Депутатлардан **Л. Н. Зайков, Р. Н. Нишонов, Р. Ҳ. Ҳабибуллин** бир овоздан СССР Олий Совети Президиумининг аъзолари этиб сайландилар. Депутатлар Б. Н. Ельцин, И. Б. Усмонхўжаев СССР Олий Совети Президиумининг аъзолари вазифасидан озод қилиндилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси депутат **Н. И. Рижков** мамлакат экономикасини ривожлантиришда кооперацияннинг роли ва СССРда кооперация тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида доклад қилди.

СССРда кооперация тўғрисидаги СССР Қонуни лойиҳаси юзасидан палаталар доимий комиссияларининг қўшимча докладини қилиш учун Иттифоқ Совети агросаноат комплекси комиссиясининг раиси **А. Ф. Пономарев**га сўз берилади.

У лойиҳада акс эттирилган таклифлардан ташқари, депутатларнинг фикрича яна бир қанча қўшимча ва ўзгартишлар киритиш лозимлигини маълум қилди. Лойиҳага тўртта модда—кооператив ҳақида Қонун тўғрисидаги, кооперативларнинг фаолиятини тўхтатиш ҳақидаги, кооперативларни социал ривожлантириш тўғрисидаги, балиқ овлаш колхозлари ҳақидаги моддаларни киритиш, шунингдек лойиҳанинг бошқа ўн еттита моддасига айрим қўшимча ва ўзгартишлар киритиш таклиф этилади.

Нотиқ комиссиялар ҳужжатни кўриб чиқиш чоғида қуйидаги талабларга амал қилишганини айтди. Биринчидан, Қонун кооперативларни ривожлантириш учун ниҳоятда қулай шарт-шароитларни таъминлаб бериши лозим. Иккинчидан, кооперативларнинг маҳсулотини истеъмол қилувчиларнинг, умуман жамиятнинг ҳуқуқ ва манфаатлари етарлича гарантияланишини кўзда тутиши керак. Учинчидан, давлат билан кооперацияннинг ҳар жиҳатдан, жумладан давлат корхоналарининг ва халқ депутатлари маҳаллий Советларининг кооперативларга ёрдам беришларида зарур ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаши лозим.

Аслида, кооперация бошқаришнинг иқтисодий методларини ва социалистик хўжалик юритиш механизмини такомиллаштириш полигонларидан бири бўлиб қолмоқда. Унинг ғоят катта потенциали қайта қуришга ишлай бошламоқда, дейиш мумкин.

Қонун лойиҳасини муҳокама қилиш жамиятимизнинг турли қатламларида кооперацияга муносабат ҳар хиллигини, кооператив ҳаракатнинг қийинчиликлари ва унинг зиддиятларини яққол кўрсатди, кооперацияннинг тақдири кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган талайгина масалаларнинг ҳал этилишини аниқлаб берди. Нотиқ шуни таъкидладики, қонун қанчалик яхши бўлмасин, унинг амалда рўёбга чиқарилиши таъминланмас экан, қоғоздагина қолиб кетиши мумкин, деган фикр комиссияларда алоҳида куч билан янгради. Халқ депутатлари Советлари кооперациянинг жон-тани ва ҳаракатга келтирувчи воситаси бўлиб қолишлари керак.

Нотиқ Қонун лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида депутатлар колхозчилар учун пенсиялар тайинлаш шартлари ҳамда миқдорларини ишчи ва хизматчиларнинг пенсияларига тенглаштириб уларга нисбатан социал адолатни таъминлаш зарур деган масалани ўртага қўйганликларини маълум қилди. Колхозчиларнинг IV Бутуниттифоқ съездида ҳам шу ҳақда ўткир гап борган эди. Ҳукумат мазкур проблемани пенсиялар тўғрисидаги умумий Қонун қабул қилингунига қадар кечиктирмай тезроқ ҳал этиш имкониятини қидириб топиши ва СССР Олий Советига тегишли таклифларни киритиши керак.

Кооперациянинг муаммоларини ёритувчи матбуот органини ташкил этиш тўғрисида кўпгина таклифлар тушди. Комиссиялар ана шу таклифлар эътиборга лойиқ ва қонуннинг рўёбга чиқарилишига ёрдам беради, деб ҳисоблайдилар.

Нотиқ оммавий ахборот воситалари Совет парламенти фаолиятини ёритишга ўз муносабатини ўзгартиришлари керак, деган фикрни билдирди. Чунки депутатларнинг ўзлари қонунни ёқлаб овоз беришдан ташқари нималар қилганликларини билиш халққа қизиқарли бўлиши, шубҳасиз. Телевидение ҳам фақат мажлислар залини кўрсатиш билангина чекланиб қолмай, лоақал энг қизиқарли нутқларни ёки шу нутқларнинг айрим қисмларини кўрсатиб борса, тўғри бўлур эди.

Пировардида нотиқ комиссиялар «СССРда кооперация тўғрисида»ги СССР Қонунини унга киритилган ва тақдим қилинган хулосада баён этилган тузатиш ҳамда қўшимчалар билан бирга қабул қилиш таклифини киритадилар ҳамда ҳукуматнинг мазкур Қонунни 1988 йил 1 июлидан бошлаб кучга киритиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлайдилар, деди.

Шу билан палаталарнинг қўшма мажлиси тугади.

(ТАСС).

Москва. Кремль. 1988 йил 24 май. Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг тўққизинчи сессияси.
(ТАСС — ЎзТАГ телефотоси).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ДЕПУТАТ Р. Н. НИШОНОВНИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

Депутат Рафиқ Нишонович **Нишонов** СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилинсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. ГРОМИКО.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль.
1988 йил 24 май.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ДЕПУТАТ С. МУКАШЕВНИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

Депутат Саломат **Мукашев** СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилинсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. ГРОМИКО.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль.
1988 йил 24 май.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ДЕПУТАТ Р.-Б. И. СОНГАЙЛАНИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

Депутат Рингаудас-Бронисловас Игнович **Сонгайла** СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилинсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. ГРОМИКО.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль.
1988 йил 24 май.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ДЕПУТАТ П. ҲАБИБУЛЛАЕВНИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЭТИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

Депутат Пўлат **Ҳабибуллаев** СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари этиб сайлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. ГРОМИКО.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль.
1988 йил 24 май.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ДЕПУТАТ З. К. КАМАЛИДЕНОВНИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЭТИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

Депутат Закаш Камалиденович **Камалиденов** СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари этиб сайлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. ГРОМИКО.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль.
1988 йил 24 май.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ДЕПУТАТ В. С. АСТРАУСКАСНИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЭТИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

Депутат Витаутас Стасевич **Астраускас** СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари этиб сайлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. ГРОМИКО.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль.
1988 йил 24 май.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ДЕПУТАТ Б. Н. ЕЛЬЦИННИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ АЪЗОСИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

Депутат Борис Николаевич **Ельцин** СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси вазифасидан озод қилинсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. ГРОМИКО.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль.
1988 йил 24 май.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ДЕПУТАТ И. Б. УСМОНХЎЖАЕВНИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ АЪЗОСИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

Депутат Иномжон Бузрукович **Усмонхўжаев** СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси вазифасидан озод қилинсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. ГРОМИКО.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль.
1988 йил 24 май.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ДЕПУТАТ Л. Н. ЗАЙКОВНИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ АЪЗОСИ ЭТИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

Депутат Лев Николаевич **Зайков** СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси этиб сайлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. ГРОМИКО.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль.
1988 йил 24 май.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ДЕПУТАТ Р. Н. НИШОНОВНИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ АЪЗОСИ ЭТИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

Депутат Рафиқ Нишонович **Нишонов** СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси этиб сайлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. ГРОМИКО.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль.
1988 йил 24 май.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ДЕПУТАТ Р. Ҳ. ҲАБИБУЛЛИНИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ АЪЗОСИ ЭТИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

Депутат Равмер Ҳасанович **Ҳабибуллин** СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси этиб сайлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. ГРОМИКО.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль.
1988 йил 24 май.

ЭЗГУЛИК, ТИНЧЛИК ВА ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ ҒОЯЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ Х ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ

Шарқда бахт-саодат ва донолик рамзи бўлмиш Олтин семурғ биллур қоя узра қанотларини ёйган. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари Х Халқаро кинофестивали бош совринининг кўринишидаги ана шундай. Фестиваль 24 май куни Тошкентда тантанали равишда очилди. Шу мўътабар кинокўрикда 87 мамлакат ҳамда бешта халқаро ва миллий ташкилотлар — БМТ, ЮНЕСКО, Жанубий Африка африкаликлар миллий конгресси, Фаластин Озодлик ташкилоти, Чили ватанпарвар кучлари қатнашмоқда.

Шу юбилей учрашуви Тошкент фестивалларида тарихида янги бир босқични ҳам очиб беради: қатнашчилар, жамоатчилик, матбуотнинг кўпдан-кўп таклифларига мувофиқ фестивалнинг конкурссиз статуси бекор қилинди ва соврин учун мусобақалашиш системаси жорий этилди. Киноанжуманнинг обрў-эътибори ва ваколатини, унинг программалари бадиий савиясини юксалтириш, аввалги ҳамма учрашувларда тобора кучайиб борган ортиқча дабдабазликлардан қутулиш, инсониятнинг тўртдан уч қисми яшайдиган «учинчи дунё» мамлакатлари кино санъатининг аҳволи ва ривожланиш истиқболларига реал баҳо бериш иштиёқи туфайли шундай қилинди.

Бундан йигирма йил аввал Тошкентда биринчи фестиваль бўлганида кинематография шу мамлакатларнинг кўпида эндигина ривожланиб келаётган эди, дейиш мумкин. Никарагуа киноси амалда йўқ эди, Африкадаги кўпгина давлатларда у энди кўзга кўрина бошлаганди, Куба кино санъати ҳали етук эмасди. Шунинг учун ҳам Тошкент кўригини ташкил этувчиларнинг анжуман ҳамма қатнашчиларига мусобақасиз кўрсатиш доирасида баравар имкониятлар бериш ташаббуси ўшанда ғоятда қўллаб-қувватланганди. Кўрикнинг «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун» деган шиори ҳам, инсонпарварлик ва демократия руҳининг ўзи ҳам жозибали бўлиб қолди.

Вақт ўтиши билан шогирдлар тажриба орттирдилар, жаҳон кино жараёнида ўз мавқеларини қарор топтирдилар. Бунда ҳам Тошкент анжуманининг роли катта. Вьетнам, Мозамбик, Лаос, Зимбабвенинг жанговар киноси айни Тошкент анжуманида баралла янгради... Кинематография осмонида марокашлик Сухайл Бин Барка, сенегаллик Усмон Сембен каби машҳур ҳамкасблари билан

(Давоми тўртинчи бетда).

ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИ

МАМЛАКАТ ЭКОНОМИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КООПЕРАЦИЯНИНГ РОЛИ ВА СССРДА КООПЕРАЦИЯ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси депутат Н. И. РИЖКОВ доклади

СССР Олий Совети, деди Н. И. Рижков, зўр ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик масалани муҳокама қилиши, социалистик экономикани ривожлантиришда, 1985 йил апрелида партия бошлаган жамият турмушидаги революцион ўзгартишларни чуқурлаштиришда кооперацияниинг роли ва ўрни тўғрисида мамлакатда бўлиб ўтган катта принципиал муҳокамани якунлаши лозим.

Мамлакатда рўй бераётган ўзгаришларнинг прогрессив характери ҳозир, XIX партия конференцияси арафасида айниқса тўла-тўкис сезилиб турибди. Туб иқтисодий ислоҳот кучайиб бормоқда. Демократиялашва ошкоралик янги позицияларни эгалламоқда. Энди қайта қуриш йўлида яна бир катта қадам қўйиш: социалистик қурилишда чинакам улкан имконият ва аҳамиятга эга бўлган кооперация ҳаракатини ҳар томонлама ривожлантириш учун кенг уфқ очиш лозим.

М. С. Горбачевнинг колхозчилар IV Бутуниттифоқ съездидаги нутқида Ленининг кооперация тўғрисидаги таълимотини таҳлил қилиш асосида Владимир Ильич Ленининг кооперациянинг ўсиши социализмнинг ўсиши билан айни бир маънони билдириши тўғрисидаги энг муҳим ғояларидан бири равшан ифодалаб берилди. Ҳозирги шароитга татбиқан кооперация жамиятимиз олдида турган олижаноб мақсадларга эришишнинг таъсирчан воситаси, қудратли тезлаткичи эканлиги ишонтирарли тарзда исботлаб берилди. Ҳозир бу — партия билан давлатнинг улкан бунёдкорлик ишида асосий вазифани — совет кишиларининг тобора ошиб бораётган эҳтиёжларини ғоят тўлатўкис қондириш вазифасини муваффақиятли ҳал этишни кўп жиҳатдан таъминлайдиган бўғиндир.

Мамлакатда кооперация ҳаракатини ривожлантириш учун, уни ҳақиқатан ҳам оммавий ҳодисага айлантириш учун ҳозир зарур сиёсий, иқтисодий ва социал шарт-шароит яратилган. Бу шарт-шароит жамият турмушида янги жараёнлар тобора активроқ юзага келиб, муқаррар тус олаётганлиги: демократиялаш амалда рўёбга чиқаётганлиги, ошкоралик феъл-атвор нормасига, инсон ўз ишининг хўжайинига айланаётганлиги туфайли вужудга келмоқда. Шу революцион ўзгартишларни янада чуқурлаштиришда ишлаб чиқариш ва меҳнатни ижтимоий ташкил этишнинг демократик усули бўлмиш кооперация муҳим роль ўйнаши лозим.

Совет давлатининг олий органи муҳокамасига тақдим этилган кооперация тўғрисидаги Қонун лойиҳаси қайта қуришнинг маҳсули бўлиб, қайта қуришга хизмат қилиши керак. Унда иқтисодий сиёсатдаги янгича ёндашув ўзининг қонун тарзидаги ифодасини топган. Ленининг социализм ва унинг битмас-туганмас бунёдкорлик кучлари тўғрисидаги ўз ривожи билан мангу барҳаёт бўлган таълимоти бу ёндашувга асос қилиб олинган.

Қонун лойиҳасининг ҳозирги ва келажакдаги жамиятимиз учун аҳамияти жуда катта. Умумхалқ муҳокамасининг натижалари шундан дарак бериб турибди. Бу муҳокама лойиҳада миллионмиллион кишиларнинг манфаатлари акс эттирилганини, уни меҳнаткашлар — колхозчилар, бошқа кооператорлар, ишчилар, хизматчилар, олимлар, мутахассислар, хўжалик раҳбарлари фаол қабул этганликларини кўрсатди. Аҳолининг барча табақалари бу ҳужжат қайта қуришни жадаллаштиришга актив йўналганлигини астойдил қўллаб-қувватлади. Бунинг сабаби шуки, аввало янги қонун кооперация тузумининг ўзагини — унинг демократик руҳини ифодалайди ва ўз ҳимоясига олади.

Ҳужжатнинг социал кучқудрати жуда катта. Қонун ўз моҳияти билан бевосита меҳнат аҳлига, унинг манфаатларига қаратилган, бинобарин у социализм асосларига мос бўлиб тушади ва шу асосларнинг қарор топишига кўмаклашади.

Лойиҳани муҳокама қилиш давомида, деди докладчи, кўпдан-кўп таклиф ва мулоҳазалар айтилди. Улар ҳужжатни узил-кесил ишлаб чиқишда бебаҳо ёрдам берди. Тушган таклиф ва мулоҳазалардан биронтаси эътиборсиз қолдирилмади. Эллиқта моддадан 42 тасига у ёки бу тарзда аниқлик, ўзгартиш ва қўшимча киритилди. СССР Министрлар Советининг Раиси Қонун лойиҳасини муҳокама қилишда қатнашган барча гражданларга чуқур миннатдорчилик билдирди.

Ишлаб чиқариш потенциалини ошириш ва экономиканинг давлат сектори билан кооператив сектори ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилиши таъминланган тақдирдагина партиянинг қайта қуришга қаратилган стратегик йўли ижтимоий турмушга жўшқинлик бахш этади, ҳар бир оиланинг, ҳар бир совет кишисининг фаровонлигини анча яхшилайди. Нотиқ халқ хўжалигимизда вужудга келган аҳволни таърифлаб, ҳамма қийинчиликларга қарамай, КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумидан кейин ўтган вақт ичида экономикани кризис олди ҳолатидан чиқариб олишга муваффақ бўлинганини, ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари сусайиши асосан бартараф қилинганини таъкидлади. Халқ хўжалигида тараққиёт ҳодисалари тобора кучаймоқда, экономиканинг сифат жиҳатдан янги қиёфасини белгилаб берадиган соғлом кучлар кўпаймоқда. Хўжалик соҳасидаги янгича фикрлаш, бошқарувнинг иқтисодий усуллари эскиликка қарши шиддатли курашда сабот билан ўзига йўл очиб бормоқда. Ташаббускорлик билан ижодий ишлаш, ишлаб чиқаришни интенсивлаш асосида ривожлантириш маҳорати биринчи ўринга чиқмоқда. Корхоналар коллективларининг кенгайиб бораётган мустақиллиги, хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш шароитида ишламоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси экономикамизнинг етакчи сектори — давлат секторини ривожлантиришга янги сифат бахш этиши, унинг потенциал имкониятларини тўлиқроқ намоён қилиши ва шу тарзда мамлакатнинг иқтисодий қудратини кучайтириши лозим.

Бироқ халқ хўжалигини қайта қуришнинг мураккаб ва кенг миқёсли вазифаларини биз экономиканинг давлат секторини ҳар томонлама ривожлантириш ҳисобигагина ҳал этишимиз мумкин эмаслигини ва лозим эмаслиги ҳозир мутлақо равшан, деб таъкидлади докладчи. Бунинг учун социалистик хўжалик юритишнинг жамики хилма-хил шаклларидан ва аввало шулар орасидаги кооперация каби самарали шаклидан фойдаланиш зарур.

Кооперациянинг юксак самарадорлиги сабабларини тушуниш қийин эмас. Кооперациянинг энг асосий хусусияти шуки, у меҳнаткашлар ташаббускорлиги ва ижодий активлиги намоён бўлишининг, уларни изчил демократик асосда иқтисодий ва социал жараёнларни бевосита бошқаришга жалб этишнинг ижтимоий шаклидир. Агар масалага сиёсий нуқтаи назардан қараладиган бўлса, кооперациянинг чинакам социалистик мазмуни айни мана шундан иборат.

Ишнинг яна бир жиҳати бор, у ҳам бўлса ташкилий жиҳатдир. Экономикамизнинг пойдеворини ташкил этувчи йирик ва ўта йирик давлат корхоналари хилма-хил ва энг муҳими, ўзгариб борувчи талабга доимо мослашиб туриши осон эмас. Бозорнинг талабига бевосита қараб ишлайдиган, ўз маҳсулотининг истеъмолчиси талабини қондирадиган мослашувчан ва осон ўзгарувчан структурага эга бўлган кичик ва ўртача корхоналарни энг мақбул тарзда ривожлантириш учун ҳамма шарт-шароитни яратиш зарур. Бу ўринда аввало халқ хўжалигининг эҳтиёжларига ва аҳолининг талабига зудлик билан мувофиқ тарзда ишлай олиш, шу талаб-эҳтиёжларни қондиришдан ғоят манфаатдор бўлиш қобилияти муҳимдир. Кооперация мана шундай мувофиқлашиш ва манфаатдорликка тўлатўкис эгадир. Бундан ташқари у инсонни ишлаб чиқаришнинг амалдаги соҳибига айлантиради, унинг маънавий кучларини ва ижодий имкониятларини қўлф урдириб юборади.

Шу боисдан ҳам экономиканинг давлат — секториди хўжалик юритиш усулларини қайта қуриш ва демократиялаш билан узвий равишда бирга қўшилган айни кооперация ҳаракати орқали мамлакат социал-иқтисодий тараққиётидаги кўпгина салбий тенденцияларни бартараф қилиш учун амалий имкониятлар очилади. Кооперация қайта қуришнинг биринчи навбатдаги энг ўткир муаммоларини — аҳолининг озиқ-овқатга, саноат моллари ва хизмат турларига бўлган эҳтиёжларини тўлиқроқ қондириш муаммоларини қисқа муддатларда ҳал этиши туфайли ҳам у олдинги марраларга чиқиб олмоқда, шу тарзда жадаллаштиришнинг қудратли омилига айланмоқда.

Кооперация ҳаракати экономикага ва жамият турмушининг бошқа энг муҳим соҳаларига тобора қатъият билан кириб бораётганлигига ҳозир яққол ишонч ҳосил қиляпмиз. Хўжалик юритиш кооперация шаклининг замиридаёқ биз янгича иқтисодий тафаккур деб аталган нарса мужассамлашган.

Айни вақтда кооперацияга нисбатан партия XXVII съезди аниқ-равшан сиёсий йўлни ишлаб чиққан бўлишига қарамай, марказда ҳам, жойларда ҳам кўпгина хўжалик раҳбарлари, партия, совет ходимлари, иқтисодчи олимлар ниманидир кутиб лом-мим демай турганликларига, ёки кооперацияни ривожлантиришга тўғридан-тўғри қаршилик қилаётганликларига тез-тез дуч келинмоқда. Кооперация системаси «иккинчи сортли» система, унинг истиқболи йўқ, деган сийқа ақидаларни мужмал далиллар билан ҳамон ҳимоя қилмоқдалар. Бундай қаршилик кўпинча гўё марксча-ленинча социализм назариясининг «софлиги» тўғрисидаги ғамхўрлик билан ниқобланмоқда.

Нотиқ мазкур позицияни баҳолаб, бу ўринда социализм тўғрисида ўрнашиб қолган нотўғри фикрлар сарқити ҳали ҳам таъсир қилиб турганини айтди. Қандайдир принципиаллик деб кўрсатилаётган одатдаги манфаатлар эса айрим кимсаларга Ленининг социалистик хўжалик юритиш шакллари ва усуллари тўғрисидаги таълимотига, реал воқеликка холисона назар ташлашларига ҳалақит бермоқда. Кооперацияни самарали ривожлантиришнинг ҳал қилувчи шарти бўлмиш амалий коммерция асосида ва иқтисодий мусобақалашув шароитида товар-пул айирбошлаш ҳақида гап очилганида бундай манфаатлар айниқса кўриниб қолмоқда. Ҳолбуки кооперация ҳаракатини қайта тиклашнинг катта йўли айни шу принципларга асосланади. Айнан товар-пул муносабатлари орқали кооперацияни ривожлантириш ва шу асосда сўмнинг қадрини ошириш, бозорни соғломлаштириш сари борилади. Кооперация табиатининг моҳияти тўғрисидаги ленинча концепциянинг ўзаги мана шундан иборат.

Кўп йиллар Ленининг кооперация тўғрисидаги қоидалари ва йўл-йўриқлари кўпол поймол этиб келинди. Бу қоидалар ва йўл-йўриқлар ўрнига бошқарувнинг маъмуриятчилик-буйруқб о злик усуллари одат тусига киритилди. Кооперациянинг ва кооператив мулк шаклининг ҳақиқатда давлатлашуви содир бўлди. Ҳозир партия мамлакатда кооперация ҳаракатини қайта тиклаш ва ҳар томонлама ривожлантириш вазифасини ўткир ва рўй-рост қилиб қўймоқда. КПСС Марказий Комитети билан ҳукумат шунга асосланиб иш тутмоқдаларки, кооперация — халқ хўжалигига ва умуман ижтимоий системага узвий равишда хос бўлган объектив зарур бир соҳадир.

Сўнгра нотиқ ижтимоий турмушнинг кўп соҳаларида беқиёс бўлган кооперациянинг асосий вазифаларини таърифлагач, ҳозир жуда хилма-хил шакллардаги кооперация ҳаракати ҳамма жойда тез суръатлар билан, самарали ривожланиши учун ҳамма шарт-шароит ва қатъий зарурат бор, деган хулосани чиқарди. Кооперация фаолиятини кенгайтириш — навбатдаги модага эргашиш эмас, сиёсатнинг қандайдир вақтинчалик ўзгариб туриши эмас, балки белгиланган социал-иқтисодий ўзгартишлар йўлидан янада олға ҳаракат қилишимизнинг ҳаётий эҳтиёжидир.

СССР Олий Советининг муҳокамасига тақдим этилган Кооперация тўғрисидаги қонун лойиҳаси кооперативларнинг вужудга келган ҳуқуқий статусини тўғри ўзгартиради, деди сўнгра Н. И. Рижков. Қонун уларнинг кооператив табиатини ва кооператив демократиясининг асосий принципларини тўла-тўкис қайта тиклайди. Ў экономикамизнинг барча соҳаларида ғоят хилма-хил кооперативларни ташкил этиш ва актив ривожлантиришга кенг йўл очиши лозим, кооперацияни янада ўстиришнинг қудратли омили бўлиб қолади, уни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтаради, экономикани ва социал маиший соҳани ривожлантиришга миллион-миллион совет кишиларини жалб қилиш имконини беради.

Кооперация социалистик экономиканинг давлат сектори билан баб-баравар қайта қуришнинг ҳақиқий тенг ҳуқуқли ва актив қатнашчиси бўлиб қолиши жуда муҳимдир. Шу боисдан ҳам кооперацияни ривожлантириш принципларини қонун тарзида мустаҳкамлаб бериш зарур бўлиб қолди. Ихтиёрийлик, хўжалик мустақиллиги, ўзини-ўзи бошқариш, кооперация мулкининг дахлсизлиги мана шундай асосий принциплардир.

Кооперативларга ўз ишининг йўналишини танлаб олишда жуда кенг имконият берилади. Кооперация хоҳ қишлоқ хўжалиги ёки саноат ишлаб чиқариши, хизмат кўрсатиш, интеллектуал соҳада бўлсин, хоҳ жорий этиш фаолияти соҳасида бўлсин, бундан қатъи назар ўз кучларини сарфлашнинг қатъий белгилаб қўйилган тор шакллари билангина чеклаб қўйилмаган тақдирда меҳнаткашларнинг ташаббуси ва ғайрат-шижоатини ҳақиқатан ҳам қулф урдира олади. Бундай сиёсат иш манфаатларига бирлашишлари мумкин. Бундай иттифоқлар фаолият тармоқларида ҳам, регионларда ҳам тузилади. Бу союзлар ва уюшмаларнинг мақсади ва моҳияти — кооператив демократияни мустаҳкамлашдан, ишлаб чиқаришни такомиллаштиришдан, фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этишдан, кооперативлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашдан иборат. Бундай иттифоқлар давлат органлари ва бошқа органларда, халқаро ташкилотларда кооперативларнинг манфаатларини ҳимоя қиладилар. Докладчи мисол тариқасида 1988 йилнинг март ойида Набережние Челни шаҳрида тузилган уюшмани тилга олди. Бу уюшмага турли йўналишдаги 35 кооператив киради. Кооператорлар раҳбар орган — ижроия комиссияни сайладилар. Мазкур комиссия зиммасига ички бозордаги талаб ва таклифни, давлат корхоналари ва ташкилотлари ихтиёридаги мавжуд бўшаб қолган моддий-техника ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини ўрганиш, кооперативларнинг маҳсулотини реклама қилиш, ихтиролар ва рационализаторлик таклифларини жорий этишга ёрдам бериш, турли давлат органларида кооперативларнинг манфаатларини ҳимоя этиш ва улар номидан вакиллик қилиш вазифаси юкланган. Уюшма ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун ўз даромади ва аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларидан самарали фойдаланиш мақсадида ўзининг кооператив банкини ташкил этишни мўлжалламоқда. Амалдаги кооператив ташаббус ва демократия худди ана шудир.

Қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси чоғида кооперативлар мустақиллигини таъминлаш масаласига катта эътибор берилди. Бу тасодифий эмас. Кооперативлар ишига ҳам давлат органларининг, ҳам сайлаб қўйиладиган кооператив органларнинг асоссиз аралашаверишидан кооператив ҳаракатнинг ривожланишига катта зиён етказди. Шу хусусда тақдим этилган кўпдан-кўп таклифлар орасида, ҳукуматнинг фикрича, давлат органлари ва сайлаб қўйиладиган кооператив органларнинг ҳар қандай ғайриқонуний хатти-ҳаракати хусусида кооперативларга суд ёки арбитражга шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқининг берилиши энг муҳим таклифдир. Моддий зарар кўрилишига олиб келадиган турлича калтабинлик билан берилган кўрсатмалар устидан шикоят ёзиш имконияти билан тўлдирилган бу ҳуқуқ буйруқ беришга ишқибоз бўлган кишилардан кооперативларнинг манфаатларини ишончли тарзда ҳимоя қилишга имкон беради. Таассуфки, ҳали бизда буйруқ беришга мойил бўлган одамлар бор.

Ҳар бир кооперативнинг дастлабки қадами унинг мулкини вужудга келтиришдан бошланади. Совет ҳокимияти йилларида бу хусусда анчагина гапирилди. Қанча-қанча назарий асарлар ёзилмади, дейсиз! Аммо бошқа бирон масалада, бу хусусда бўлганидек, чалкашликлар бўлмаса керак. 30-йиллардан бошлаб кооператив мулкни иккинчи даражали, социал жиҳатдан тўла қимматга эга бўлмаган, ўз имкониятларидан батамом фойдаланиб бўлган мулк, деб эълон қилдилар. Аслида нотўғри бўлган ана шундай гапларга таяниб, бу мулкни қарийб ярим аср мобайнида умумхалқ, умумдавлат даражасига «кўтармоқчи» бўлдилар. Бу назарий уйдирмаларнинг ачинарли оқибатлари яхши маълум. Масалан, қишлоқ хўжалигида бу оқибатлар деҳқонни ердан бездирди, ижтимоий мулкка дахлдорлик туйғусидан маҳрум этди, ишлаб чиқариш натижаларидан шахсий манфаатдорликнинг йўқолишига олиб келди. Оқибатда қишлоқлар, айниқса Россиянинг марказий областларидаги қишлоқлар тобора ҳувиллаб қолаверди. Матлубот жамиятларининг аъзолари ҳам ўз мулкларининг эгаси бўлолмай қолдилар.

Қонун лойиҳасида кооператив мулкни мустаҳкамлаш, уни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган принципиал муҳим қоидалар бор. Эндиликда кооператив мулк кооператив аъзоларининг умумий йиғилишининг розилигисиз олиб қўйилиши, шунингдек, давлат, кооператив корхоналарга ва бошқа корхоналарга, ташкилотлар ва гражданларга ўтказилиши мумкин эмас. Илгари кўпинча қандай бўлганлигини ҳамма яхши биладику. Маҳаллий органлар кооперативдан рухсат олмай, унинг маблағларини мазкур кооператив устави фаолияти билан боғлиқ бўлмаган мақсадларга сарфлаб юборавердилар. Бирон бир колхоз эндигина қаддини ростлаб, қарзлардан қутула бошлаши билан дарҳол ундан ноҳақ йиғимлар олина бошланади. Масалан, ўтган йили Молдавия ССР Черненко район агросаноат бирлашмаси Октябрь 50 йиллиги номли колхоз счётидан 174 минг сўм пул олиб, рентабеллиги паст ва зарар кўриб ишлаётган хўжаликларга молиявий ёрдам кўрсатиш учун ўз резервига қўшган. Равшанки, бу колхоз аъзолари умумий йиғилишининг розилигисиз бўлди. Матлубот кооперациясида ҳам шунга ўхшаш фактлар бор.

Бундай хатти-ҳаракатлар сабабли кооператив аъзолари ўз мулкларини тасарруф этишдан аслида четлаштирилдилар. Ғалати вазият вужудга келмоқда: эгаси кооператив бўлса ҳам, аслида эса бошқалар хўжайинлик қилишади. Бу кооперация табиатига зиддир. Қонун кооператив ҳуқуқлари ва мулкига ҳар қандай ҳуруждан кооперативни ҳимоя қилиши, бунинг учун зарур юридик кафолатлар бериши лозим.

Кооперациянинг хўжалик механизми — қонуннинг ўзагидир. Ушбу хўжалик механизми кооператив ҳаракатнинг бой тарихий тажрибасини Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида тўпланган ҳамма яхши нарсаларнинг, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги янги кооперативлар амалий ишининг илғор усулларини ўзига сингдирган, деб таъкидлади докладчи. Бу механизм давлат корхонаси тўғрисидаги қонун моддаларига монанддир.

Ҳозир муҳокама қилинаётган кооперация тўғрисидаги қонун лойиҳасининг принципиал аҳамияти шундаки, унда назарда тутилаётган иқтисодий механизм, эндиликда социалистик корхона фаолиятидаги илғор нарсаларни мустаҳкамлаб, уларга янги мазмун бахш этади, экономикани бошқаришнинг бутун системасини янада такомиллаштиришга омил бахш этади. Тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш, хараждатлар ва даромадлар мутаносиблиги, кооперативларнинг ўзаро муносабатларида ҳам, давлат корхоналари ва экономика индивидуал сектори билан муносабатларда ҳам иқтисодий манфаатлар ролининг ошиши ушбу механизмнинг асосий принципларидир.

Бу товар-пул муносабатлари ва бозор ролини тиклашни тақозо этади, мазкур муносабатлар ва бозор товар ишлаб чиқарувчи кооперативлар билан истеъмолчилар ўртасидаги иқтисодий ўзаро алоқаларнинг устун формаси бўлиши лозим. Кооперацияни товарларнинг ва хизмат кўрсатишнинг социалистик бозори равнақига худди ана шундай йўналтириш хўжалик механизмининг, кооператив фаолиятини планлаштиришни ташкил этиш хусусиятлари, нарх белгилаш, даромадларни тақсимлаш ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг моҳиятини белгилайди.

Кооперациянинг демократик табиати тўла мустақилликни, аввало планлаштиришдаги тўла мустақилликни тақозо этади. Эндиликда кооперативлар барча хўжалик ўзаро муносабатларида шартнома яккаю-ягона ҳуқуқий ва иқтисодий форма бўлиб қолмоқда. Шартнома колхоз ёки бошқа кооператив фаолиятини чинакамига истеъмол эҳтиёжларини қондиришга қаратишга имконият беради.

Кооперативлар ва улар маҳсулоти истеъмолчилари ўртасида бевосита шартнома муносабатларининг ҳар томонлама ривожлантирилиши шунга олиб келадики, мамлакатда бозорни, харидорни ўйлаб иш юритадиган кооператив корхоналар қанчалик кўп бўлса, тахчилликдек ярамас ҳодиса шу қадар тез барҳам топади. Масаланинг иккинчи жиҳати шундаки, кооперативларнинг кўпайиб бориши улар ўртасида социалистик рақобатнинг кучайишини билдиради. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш чиқимлари ва бозор нархларини камайтириш йўлидир.

Кооператив — ўз харажатларини ўзи қоплайдиган корхонадир. Агар у зарар кўриб ёки зарур даражада рентабеллик билан ишламаётган экан, яшай олмайди, яшашга қодир бўлмайди. Шу боисдан ҳам ҳар бир кооперативга ишлаб чиқаришнинг иқтисодий жиҳатдан фойдали структураси ҳаётий зарурдир. Колхозми, матлубот жамиятими, товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш кооперативими, бундан қатъи назар, ҳар қандай кооператив корхонасининг ўзармас қоидаси, фаолиятининг нормаси ана шудир. Кооперативларга катта эрк бериб қўйилятпи, деб чўчимаслик керак. Кооператив ютса биз ҳаммамиз наф кўрамиз. Кооператив яшамоғи учун катта самара кўриб ишлаши керак. Акс ҳолда унинг ихтиёрида меҳнатга ҳақ тўлаш учун ҳам маблағ бўлмайди. Чунки кооперация барча турларининг фаолияти учун давлат жавобгар эмас.

Қонун лойиҳасида кооперативлар фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратишга мўлжалланган иқтисодий воситалар ва омиллар системаси тўла акс этган. Булар — нарх белгилаш сиёсати, барқарор, аммо кооператив фаолиятининг турлари бўйича табақалаштирилган солиқ ставкалари, кредит учун процентлар, давлатнинг бевосита инвестицияларидир. Бу, ниҳоят, давлат буюртмалари системасидир. Бу система кооператив маҳсулотининг албатта сотилиш имкониятини бераётганлиги учун кооператорларга маъқул тушмоқда.

Давлат буюртмаларини бажаришда кооперативларнинг иштироки хусусидаги давлат сиёсатининг негизи бу иштирокнинг қатъиян ихтиёрлигидадир. Бу кооперациянинг ҳамма турларига, жумладан, колхозларга ҳам тааллуқлидир. Кооперативлар конкурс асосида ва ўз ихтиёрлари билан давлат буюртмасини бажаришга киришишларидек ана шундай ёндашув ўзини батамом оқлайди. Докладчи қурилишда, кон саноатида, қурилиш материаллари ва ишлаб чиқариш техника мақсадларида тайёрланаётган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда банд бўлган кооперативлар тажрибасини мисол келтирди. Давлат буюртмасини бажараётган бу кооперативларда меҳнат унумдорлиги 2—3 баравар ортди. Шунга мувофиқ тарзда кооператорларнинг иш ҳақи ҳам юқоридир. Иккала томон ҳам бундан наф кўрмоқда.

Кооперативларнинг муваффақиятли ишлаши учун нарх белгилашга тегишли ёндашувлар ҳам зарур. Кооперацияда қўлланилаётган нарх сиёсатини ишлаб чиқишда ўз тажрибамизни ҳам ёдда тутиш лозим. Товарларга реал эҳтиёж ҳисобга олинмасдан ўзбошимчалик билан нарх даражасини чеклаш чайқовчиликнинг ва бозордаги бошқа салбий ходисаларни жиддий тарзда кескинлашувига олиб келади. Муаммони нархларни самарали усулда тартибга тушириб туриш йўли билангина ҳал этиш мумкин. Бир томондан — етти ўлчаб, бир кесиб, иқтисодий жиҳатдан асосланган солиқ сиёсатини қўллаш лозим. Иккинчи томондан — соғлом рақобатни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш даркор.

Кооперация кенг қўламда ривожланган шароитда нарх даражаси, аввало, кооперативлар билан товарлар бозорида улар маҳсулотининг истеъмолчилари ўртасидаги ўзаро муносабатларга боғлиқдир. Бу ўринда қатъий қонуннят амал қилади. Чунки ўз маҳсулотини зарар кўриб сотаётган кооператив нормал ривожлана олмайди. Айни вақтда харидор ҳам товарнинг истеъмол хусусиятларига ва ўз даромадларига мос бўлмаган баҳода уни сотиб олмайди. Бошқача айтганимизда, нарх белгилаш жараёнига талаб ва эҳтиёж принципи ҳам киради. Бу принцип истеъмолчи ва товар ишлаб чиқарувчининг манфаатларини мувозанатга келтиради.

Ҳаёт ана шу принципнинг бузилиши, нарх белгилашдаги ўзбошимчалик ишлаб чиқариш ўсишининг секинлаштиришини кўрсатди. Оқибатда айрим товарлар тақчил бўлиб қолади. Пул муомаласи бузилади. Шу боисдан ҳам қонун лойиҳасида бозорни назарда тутиб ишлаётган кооперативларга нарх белгилашда каттароқ ҳуқуқлар берилган.

Айни вақтда қонун давлат йўли билан нархни тартибга солиш чегараларини ҳам белгилайди. Биринчидан, агар колхоз ёки бошқа кооператив ўз маҳсулотини давлат буюртмасини бажариш ҳисобидан реализация қилаётган бўлса, нарх марказлаштирилган тартибда белгиланади. Иккинчидан, кооператив маҳсулот тайёрлаш учун давлат ресурсларидан ажратиб берилган хом ашёдан фойдаланаётган бўлса, нарх марказлаштирилган тартибда белгиланади, ва ниҳоят, учинчидан, кооперативга марказлаштирилган тартибда ажратиб берилган маҳсулотлар билан савдо қилинаётганида давлат нархлари чакана нархларни белгилашнинг асоси бўлиши лозим.

(Давоми учинчи бетда).

(Доклад қисқартириб босилмоқда).

ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИ

МАМЛАКАТ ЭКОНОМИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КООПЕРАЦИЯНИНГ РОЛИ ВА СССРДА КООПЕРАЦИЯ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

Қатъий белгиланган нархларнинг эркин тарзда қарор топадиган нархлар билан биргаликда қўшиб олиб борилиши, сира шак-шубҳасиз, кооперация социалистик рақобат шароитларида товарлар ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатишни кўпайтириш учун қўшимча омил бахш этади. Бу эса бозорда талаб ниҳоятда юқори бўлган маҳсулот турларини бу ерга етказиб беришга ва айни вақтда нархларнинг иқтисодий жиҳатидан асосланган даражасини ушлаб туришга имкон беради. Бошқача айтганимизда, аҳоли эҳтиёжларига мос келадиган товарларнинг бозорга келиб туришини тартибга солиш нарх устидан назорат ўрнатишнинг энг самарали, барқарор ва ишончли усулидир.

Қонун лойиҳасида кооперативларнинг даромадларни мустақил тақсимлаш ҳуқуқи ҳақидаги қоида теран демократик позициялардан туриб баён қилиб берилган. Иқтисодий механизмнинг демократизми, аввало шунда кўринадики, кооператорлар меҳнатига ҳақ тўлаш даражаси олинган даромадларга ва эришилган пировард натижаларга ҳар бир кишининг меҳнатдаги ҳиссасига қатъий боғлиқ қилиб қўйилган. Бу ерда ҳар бир одам меҳнатига қараб ҳақ олади.

Ҳозир, кооперация янги турлари тараққиётининг дастлабки босқичида муайян англашилмовчиликлар ҳам бор. Баъзан кооперативлардаги иш ҳақи, айниқса яширин экономика, мол тахчил бўлган ерларда ишлаётган кооперативлардаги ҳақ асоссиз тарзда ниҳоятда кўпайиб кетган. Бунинг учун алоҳида куч-ғайрат сарфланмаяпти, унумдорлик ҳам жуда юқори эмас. Бундай мўмай даромадга бозордаги нарх ўзгаришидан, савдодаги камчиликлар ва бошқа нуқсонлардан фойдаланиб эришилмоқда. Бозорда кўпгина товарлар тахчил бўлиб турганлиги, солиқ системамизнинг сустлашлиги, баъзида эса уқувсизлиги бу ҳодисанинг бош сабабларидир. Худди шу боисдан ҳам, деб таъкидлади Н. И. Рижков, қонун лойиҳасида кооператорлар иш ҳақига прогрессив солиқ солиш назарда тутилган. Мукаммал солиқ сиёсати — давлат қўлидаги ишончли созлагичдир. Бу харидоргир бўлиб турган товарлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга имкон беради ва у қадар зарур бўлмаган товар ишлаб чиқаришни чеклайди. Ҳозирнинг ўзидаёқ кооперативларнинг тажрибали раҳбарлари, шахсий иш ҳақига солиқлар прогрессив жадвалининг жорий этилиши, кооперативларни бозордаги ўз товарлари нархини арзонлаштириш майлини пайдо қилганлигини айтмоқдалар.

Кооперативнинг умумий даромадидан олинадиган солиқнинг нисбатан паст қатъий ставкалари белгиланган. Бу, иш ҳақига прогрессив солиқ солиш билан биргаликда, даромадларнинг катта қисмини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва модернизация қилишга, маҳсулотни яхшилашга, коллективнинг социал эҳтиёжларига йўналтиришни фойдали қилиб қўяди. Бундан биринчи навбатда кооператорларнинг ўзлари ҳам наф кўрадилар. Уларнинг маҳсулоти ҳам сифатли, рақобатга қодир бўлиб қолади. Бунинг устига прогрессив солиқ, маълумки, анча юқори иш ҳақидан олина бошлайди.

Қабул қилинган солиқ солишнинг прогрессив системаси муҳокама қилинаётган вақтда, жумладан, бу система янада мукаммалроқ тафбақалаштирилган бўлиши, кооперативларнинг ўзига хос хусусияти ва турларини, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар нархини эътиборга олиши лозимлиги таъкидланган эди. Дарҳақиқат, агар кооператив давлат расценкаларига кўра ўз маҳсулотини сотаётган ва иш бажариб хизмат кўрсатаётган бўлса, у ҳолда давлат корхоналарининг ишчи ва хизматчиларига монанд тарзда кооператорларга ҳам солиқ солиш ўринли бўлади. Бу ва бошқа таклифлар умумхалқ муҳокамасидан кейин қонун лойиҳасини пухталаштиришда ҳисобга олинди.

Солиқ ставкаларининг миқдорга тааллуқли мулоҳазаларга келганда шуни айтиш керакки, кооперациянинг ривожланиши чоғида турли-туман ўзгаришларни, товарлар ва хизмат кўрсатиш бозоридаги вазиятни ҳисобга олиб, шунингдек кооперативлар турли хилларининг фаолиятини доимий таҳлил қилиб, кооператив ҳаракат манфаатларига ва жамият социал адолат принципларига мувофиқ бўлган қарор қабул қилинаверади.

Қонун лойиҳасида молия, ҳисоб-китоб ва кредитлашга тааллуқли бир қанча принципиал янги қоидалар ҳам бор. Уларнинг моҳияти шундаки, кооперативлар ортиқча чеклаш ва ҳомийликдан холи бўладилар, хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш шароитида бемалол ишлаш имкониятига эга бўладилар.

Аввало, кооперативларнинг банклар билан ўзаро муносабати тубдан ўзгармоқда. Эндиликда бу муносабатлар фақат шартнома негизида бўлади. Банк системасининг пухталигини ва оперативлигини, кредит беришнинг самарасини ошириш учун кооператив секторда ҳисоб-китоб-молия марказлари, хўжалик ҳисобидаги кооператив банклар, кооператив страхование ширкатларини дадиллик билан очиш керак. Банк каттиққўл назоратчи эди ва шундай бўлиб қолаверади. Бундан бўён ҳам кооперативлардан банк олдидаги, шунингдек бюджет ва маҳсулот етказиб берувчилар олдидаги мажбуриятларни оғишмай бажаришни талаб этиш банкнинг бурчидир. Бу хусусдаги қоидалар қатъий. Агар кооператив ҳисобкитоблар юзасидан ўз мажбуриятларини бузса, кооператив тўловга қодир эмас, деб эълон қилинади ва у билан барча муносабатлар узилади.

Қонун лойиҳасига кооперативнинг қарзлар бўйича бутун мулки билан жавобгарлиги тўғрисидаги қатъий талаб киритилган. Бошқача айтганимизда, кооператив мулки сотиб юборилишига йўл қўйилади — зарар кўриб ишлаётган кооперативнинг яшашга ҳуқуқи йўқ, у тугатилиши керак. Буларнинг ҳаммаси хўжалик юритишнинг кооператив табиатига ҳамда тўла мустақиллик шароитидаги иш принципларига жавоб беради.

Молиявий ресурслардан ишлаб чиқариш ва социал тараққиётда фойдаланиш тартиби анча соддалаштирилмоқда. Колхозлар ва бошқа кооперативларга ўз мулкини бунёд этиш учун қўшимча имкониятлар бериб қўйилмоқда. Жумладан, уларга қиймматбаҳо қоғоз ва акцияларни сотиш эвазига, кооперативлар аъзолари ва уларда ёлланиб ишлаётган кишиларнинг пул маблағларини, шунингдек корхона ва ташкилотлар маблағларини ўз эҳтиёжлари учун жалб этиш ҳуқуқи берилади.

Докладчи кооперативлар хўжалик фаолиятининг бошқа масалаларини, жумладан уларнинг моддий-техника таъминоти, ташқи иқтисодий фаолияти, фан-техника тараққиётини рағбатлантириш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш, социал муаммолар, кооперативларни давлат қўллаб-қувватлашига оид масалаларни ҳам тилга олди. У кооперация айрим турлари — қишлоқ хўжалик, матлубот, товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги кооперативларнинг ўзига хос хусусиятларини айтиб ўтди.

Кооперацияда хўжалик юритишнинг асосий принциплари ҳозирги босқичда социализмни ривожлантиришнинг умумий концепциясидаги экономикани бошқарувга янгича ёндашувнинг мантиқий давомидир. Ҳозир, деб таъкидлади нотиқ, шуни аниқ тасаввур этиш лозимки, иқтисодий ислоҳот, халқ хўжалигида демократиялаш жараёни чуқурлашиб боравергани сайин биз хўжалик юритиш социалистик системаси янги иқтисодий моделининг шаклланишига тобора яқинлашиб бораверамиз. Бу моделнинг умумий қиёфаси ҳозирдаёқ кўзга чалиниб қолди.

Унинг энг муҳим белгилари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, мулкнинг турли формалари — давлат, кооператив, шахсий ва жамоат ташкилотларининг мулклари мавжудлиги ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги;

иккинчидан, ижара муносабатларини кенг ривожлантириш негизида давлат ва кооператив мулкидан фойдаланишнинг сифат жиҳатидан янги йўналиши бўлади, унда хўжалик ҳисоби кўпроқ мужассамлашади. Бунда давлат ишлаб чиқариш воситалари, жумладан табиат ресурсларига ўз мулкий ҳуқуқини сақлаб қолиб, уларнинг бир қисмини, аввало, ўрта ҳамда кичик корхоналарга давлат ва кооператив корхоналарининг меҳнат коллективлари ижара асосларида фойдаланишлари учун топшириди;

учинчидан, давлат ва кооператив корхоналари социалистик товар ишлаб чиқарувчилар сифатида хўжалик жиҳатдан тўла мустақилликка эга бўладилар ва ўз фаолиятлари натижаси учун бевосита моддий жавобгар ҳисобланадилар. Улар ўзлари олган даромад ҳисобига ўз мулкларини вужудга келтирадилар ва ишлаб чиқаришни ривожлантирадилар. Уларнинг давлат билан муносабатлари иқтисодий воситалар: нормативлар, солиқлар, рента тўловлари, ижара ҳақи билан тартибга солиниб туради;

ниҳоят, тўртинчидан, хўжалик юритишнинг иқтисодий шакллари хилма-хил бўлган шароитда товар-пул муносабатлари маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўзаро алоқасининг асоси бўлади, товар-пул муносабатлари яхлит халқ хўжалигига марказлаштирилган раҳбарликнинг янги методлари билан узвий равишда қўшилиб кетади.

Хуллас, биз бошқаришнинг янги модели сари изчиллик билан ва оғишмай бораверамиз. Унинг асосий базис белгилари планли ташкил этиладиган товар ишлаб чиқариш сифатида социалистик экономикани характерлаб беради. Товар ишлаб чиқаришнинг олий социал мақсади эса халқнинг фаровонлигини муттасил ошириб бориш ҳамда совет кишиларининг эҳтиёжлари, моддий ва маънавий манфаатларига мувофиқ равишда уларнинг турмуш тарзини шакллантиришдан иборат. Бу — давлат социалистик бозор воситаси ёрдамида ишлаб чиқарувчиларнинг ўзини-ўзи ривожлантириб боришини, уларнинг истеъмолчи эҳтиёжларига қаратилганлигини, юксак самарадорлик ва сифатга қаратилганлигини ҳар томонлама рағбатлантириб боради.

Бунда гап хусусий корхонага эгалик учун характерли бўлган антогонизм белгиларини истисно этадиган планли асосда ташкил қилинадиган бозор тўғрисида бормоқда, албатта. Товар ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий жиҳатдан мусобақалашуви амалда социалистик бозор муносабатларининг моҳияти бўлиб қолиши, бозор эса ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг ҳаракатга келтирувчи кучи ва самарали формаси бўлиб қолиши керак, акс ҳолда бозор ўзининг реал мазмунини йўқотиб қўяди.

Социалистик рақобат мусобақалашувнинг энг муҳим шакли тусини олади. У иқтисодий ва техникавий тараққиётнинг имкониятларидан ҳар томонлама фойдаланишга, монополия тенденцияларига қарши ҳаракат қилишга даъват этиши лозим. Пировард натижада эса у товарлар ва хизматнинг арзонлашуви ва сифатнинг яхшиланишига, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг ортишига олиб бориши керак. Товар ишлаб чиқарувчилар ўзларининг бозордаги мавқелари мустаҳкам бўлишини таъминлаш учун ана шунга эришишга мажбур бўладилар.

Шундай қилиб, рақобат социалистик хўжалик юритишнинг бутун механизми таъсирчанлигини мислсиз даражада ошириб юборади, унинг ички ҳаракатга келтирувчи кучларини активлаштиради. У социализмнинг олижаноб мақсадларига тўла-тўкис мос келади. Совет кишиларининг юқори сифатли хилма-хил товарларга эҳтиёжлари тезроқ ва тўлароқ қондирилади, халқнинг ва умуман жамиятнинг фаровонлиги ортади, давлатнинг қудрати мустаҳкамланади.

Шу сабабли социалистик рақобат учун шарт-шароитларни яратиш, уни ҳар томонлама ривожлантириш — ҳозирги босқичдаги энг катта иқтисодий ва социал вазифалардан биридир. Бу соҳада қатъий қадам қўйилди. Экономиканинг давлат секторида кооператив ишлаб чиқаришининг ҳамда якка тартибдаги меҳнат фаолияти соҳасининг авж олдирилиши билан кооперативлар қудратли рақобатчига айланади. Бу социалистик рақобатни ривожлантиришдаги муҳим жиҳатдир. Кооперация тўғрисидаги қонун қабул қилингач, кооперация принциплари қонун билан мустаҳкамланиб қўйилади.

Н. И. Рижков колхоз ҳаракатида кооператив негизларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш муаммоларига кўп эътибор берди. Мамлакат экономикасидаги кооперацияни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган туб ўзгаришлар, деди у, энг аввало қишлоқ хўжалиги каби ҳаётий муҳим соҳада туб ўзгаришларга олиб келиши лозим. Қишлоқ хўжалиги партиянинг халқ фаровонлигини оширишга қаратилган стратегик йўлининг ўткир соҳаси бўлиб турибди. Муаммоларнинг энг чигал тугуни ҳозир мана шу ердадир.

Сўнгги йилларда колхозларнинг ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлаш учун кўп иш қилинди. Шу билан бир вақтда колхозларнинг кўпида вужудга келтирилган потенциалнинг самараси ҳамон камлигича қолмоқда. Дала ва фермаларнинг маҳсулдорлиги жуда секин ошмоқда. Колхозларнинг банкдан қарзи жуда катта суммага етди. Ажратилаётган маблағ билан натижа ўртасидаги нисбатнинг қониқарсизлиги мамлакат экономикасини оғир аҳволга солиб қўймоқда. Бу эса кўп жиҳатдан кооперациянинг муҳим принциплари барбод қилинганлиги, уларни менсимаслик оқибатидир. Кооперациянинг муҳим принципларини қайта тиклаш, деди нотиқ, колхоз тузумини янада ривожлантириш туб вазифасини ҳал қилиш, қайта қуришга муҳим ҳисса қўшиш демакдир.

Кооперация тўғрисидаги қонуннинг асосий моҳияти — колхозчи деҳқонларнинг ижодий имкониятларини рўёбга чиқаришдан, далалар ҳосилдорлигини, фермалар маҳсулдорлигини муттасил ошириб боришдан, қишлоқнинг социал муаммоларини ҳал қилишни таъминлашга рағбатлантирувчи шарт-шароитлар ва гарантияларни яратишдан иборат. Энг аввало гап бошқаришнинг таркиб топган яроқсиз анъанавий методларини бартараф этиш, колхозларга уларнинг кооператив табиатини қайтариш, колхоз демократиясини қайта тиклаш ҳақида бормоқда.

Ишлаб чиқариш структурасини танлаб олишдаги чеклашлар олиб ташланмоқда. Колхозларга қишлоқ хўжалиги билан бир вақтда фаолиятнинг бошқа ҳар қандай турлари билан шуғулланиш, шу жумладан маҳсулотни қайта ишлаш, халқ истеъмоли моллари ва саноат буюмлари ишлаб чиқариш, савдо, хилма-хил хизмат кўрсатиш билан шуғулланиш ҳуқуқи берилди. Ишлаб чиқаришни ташкил этишда эса кооперация, ижара, коллектив ва оила пудрати устун бўлади.

Эндиликда меҳнат коллективлари ер участкаларга ва асосий фондларни узоқ муддат ижарага олиш ҳуқуқига эга бўлмоқдалар. Бунинг устига колхозлар ва совхозлар шартнома асосида уларга ўз маҳсулотларини мустақил реализация қилиш, ўз тасарруфида қолган даромаддан ўзлари хоҳлаганича фойдаланиб, банкда ёки молия-ҳисоб марказида счет очиш имкониятини беришга қодирдирлар. Колхоз ёки совхоз бошланғич кооперативлардан иборат кооперативга ўсиб чиқмоқда. Маҳсулотни қайта ишлаш, қишлоқ хўжалик — қурилмасозлик, ишлаб чиқариш — техника ва агрохимия хизмати кўрсатиш, қишлоқ хўжалик техникаси ва бошқа техникани прокатга бериш, шахсий ёрдамчи хўжаликлар ва бошқа хўжаликларни биргаликда юритиш кооперативлари тузиш учун кенг имкониятлар очилмоқда. Кооперация шаклларининг хилма-хиллиги агросаноат ишлаб чиқаришининг энг оқилона структурасини шакллантиришга имкон беради.

Колхозлар — мамлакат агросаноат комплексининг муҳим таркибий қисми бўлиб, улар ана шу комплекснинг барча структуравий бўғинлари билан жуда кўп ришталар орқали боғланган. Колхозларнинг хўжаликлараро турли бирлашмаларга кириши объектив зарурат бўлиб, бундан улар бевосита фойда оладилар. Аммо бунда, деди нотиқ, ана шундай ташкилотларни маъмурий йўл билан тиқиштириш одатидан воз кечиш керак. Бирлашмага қўшилиш ёки қўшилмасликни колхозларнинг ўзлари ҳал қилаверсин. Бирлашмага қўшилишнинг хўжалик учун иқтисодий нафини ҳам, ижтимоий заруратини ҳам ўзлари чамалайверишсин.

Колхозчиларнинг IV Бутуниттифоқ съездида, жуда кўп хатларда, мақолаларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишни планлаштиришда колхозларнинг ҳуқуқини қонун лойиҳасида тағин ҳам аниқроқ белгилаб қўйиш масаласи ўртага ташланди. Юқоридан тиқиштириладиган давлат буюртмаси бутунлай давлат буйруғига айланиб кетиши мумкин, деган хавотирланиш билдирилди. Ҳозир лойиҳанинг ўзгартирилган таҳририда колхозларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи корхоналар ҳамда ташкилотлар билан ўзаро муносабатлари бошқача белгиланган — хўжаликлар ихтиёрийлик асосида маҳсулот тайёрловчилар ва қайта ишловчилар билан ўз маҳсулотини сотиш тўғрисида шартнома тузадилар. Улар ўз хоҳишларига кўра, маҳсулотни бошқа ҳар қандай истеъмолчига ва колхоз бозорларида ҳам сота оладилар.

Давлат буюртмасига келганда шуни айтиш керакки, бундай буюртмалар берилган корхона ва ташкилотлар колхоз билан ишлаганларида у шу корхона ва ташкилотларга маҳсулот сотишдан рағбатланадиган бўлсин. Нархлар системаси орқали, маҳсулот сотилиши кафолатини таъминлаш, зарур ҳажмларда моддий-техника ресурсларини ажратиб бериш ҳамда бошқа иқтисодий методлар орқали рағбатлантирилади. Киритилган бу аниқликни депутатлар қўллаб-қувватлайдилар, деб ўйлайман, таъкидлади Н. И. Рижков.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархининг белгиланиши давлат корхоналари ва колхозлар ўзаро иқтисодий муносабатлари системасида алоҳида ўрин тутади. Бу соҳада жуда кўп муаммолар тўпланиб қолган. Нархлар системаси ҳақиқатан ҳам ишлаб чиқаришнинг ижтимоий зарур чиқимлари даражасини акс эттириши ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тенг қийматда айирбошлаш учун шароит яратиши керак. Асосланган нархлар — шу билан бирга қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини мамлакатнинг табиат-иқлим зоналарига қараб оқилона жойлаштириш учун мустаҳкам иқтисодий база ҳамдир.

Ихтисослаштирилган зоналарни вужудга келтириш зарурлиги ва мумкинлиги равшан. Бунинг устига иқтисодий талаблари ҳам маълум: асосий товар маҳсулотларининг нархлари ҳар бир ана шундай зонанинг нисбатан оғир шароитларида ишлаётган колхозлар ва совхозлар ишлаб чиқариш харажатларини қоплаши керак. Шу билан бир вақтда яхши шароитда жойлашган хўжаликлар тегишли рента тўловларини топширишлари лозим. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини зоналарга қараб ихтисослаштириш масаласи СССР ва иттифоқдош республикалар Давлат агросаноат комитети фаолиятининг энг муҳим масаласидир. Бу масала тўғри ва ҳолисона ҳал этилишига хўжалик юритишнинг иқтисодий механизми самарадорлиги кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Ҳарид нархларини такомиллаштиришда биз ана шундай позициядан туриб ёндашмоғимиз зарур.

Докладчи колхозларда олинаётган даромадларни тақсимлаш принциплари тўғрисида гапириб, замонавий хўжалик механизми бевосита колхозларнинг даромади даражасига боғлиқ ҳолда меҳнатга ҳақ тўлаш фондини шакллантиришни кўзда тутишини таъкидлади. Колхозлар ўз фаолиятларини тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш асосида амалга ошириб, даромадни тақсимлаш чоғида ўз эҳтиёжларини мавжуд имкониятларга мувофиқлаштиришга мажбурлар. Ҳозир уч мингта колхозда меҳнатга ҳақ тўлаш уларнинг ялпи даромадидан ортиб кетмоқда. Бу колхозларнинг кўрпасига қарамай оёқ узатишларини рағбатлантириш учун, хўжасизлик келтирган зарарларни қоплаш учун давлатнинг имкониятлари йўқ. Қайта қуриш реаллиги ана шундайдир. Бу ҳақда қонун лойиҳасида аниқ-равшан ёзиб қўйилган.

Ҳеч қандай иқтисодий механизм ўз-ўзидан катта даромад келтирмайди. Катта даромад олиш учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси — ерга аввалаб, хўжайинларча муносабатда бўлишни таъминлаш лозим. Ер самарали маҳсулот бериши учун янги қонунда уни ижарага беришга рухсат этилган. Бизнинг матбуотимизда деҳқонларнинг ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлигини оширишнинг энг муҳим воситаси сифатида ўжара пудрати ҳақида хабарлар пайдо бўлганда баъзи жойларда: ерни ижарага бериш бизнинг аграр сиёсатимизга тўғри келмайди, социализм асосларига путур етказади, деган огоҳлантирувчи гаплар эшитилди.

Шу муносабат билан нотиқ партия ва Совет давлати ерни ижарага беришни рад этмаганлигини эслатди. Аксинча, 20-йилларнинг охиригача ерни ижарага беришдан реал фойдаланиб келинди ва бу Россия деҳқончилигини қайта тиклашдагина эмас, шу билан бирга ердан фойдаланиш самарадорлигини анча оширишда ижобий роль ўйнади. Ҳозир ернинг сақланишини таъминлаш, унумдорлигини ошириш, ҳар қандай шаклда, шу жумладан ижара орқали хўжалик жиҳатидан ердан оқилона фойдаланишдан кўра ўткиррроқ вазифа йўқ. Бу соҳада энг муҳими шуки, ҳайдаладиган ерлар ва қишлоқ хўжалик экинзорлари деҳқонга ва мамлакатга мумкин қадар кўпроқ фойда келтирсин. Фақат ҳозирги авлодга эмас, невараларимиз ва эваларимизга ҳам хизмат қилсин.

Қишлоқ хўжалик кооперацияси ўз манфаатларининг шахсий ёрдамчи хўжалик каби соҳасини ҳам эътибордан четда қолдирда олмайди. Қонун лойиҳаси бу соҳада янги катта имкониятлар очади. Эндиликда ер участкаларини шартнома асосида одамларга бериш, ерни қайта ишлашда уларга ёрдам қилиш, уруғлик, ем-хашак, ёш чорва моллар билан таъминлаш, бошқа хизматлар кўрсатиш мумкин. Бундай ишлар эвазига кўпгина қўшимча маҳсулот олинмоқда.

Докладчи колхоз ҳаракатида кооператив негизларни ривожлантиришга якун ясаб, колхозларга ва қишлоқдаги бошқа кооперативларга янги қонунининг қишлоқ хўжалик кооперацияси тўғрисидаги қисмигина эмас, шу билан бирга бошқа барча қоидалари ҳам тўла қўлланилишини таъкидлаб ўтди.

Матлубот кооперацияларининг фаолияти принцип жиҳатдан янги мазмун билан тўлдирилмоқда. Докладчи мамлакатимиздаги кооператив фаолиятининг ана шу энг кекса соҳаси мисолида кооперация тўғрисидаги Ленин таълимотидан чекинишнинг барча хатарли оқибатларини кўрсатиб берди. Бу чекиниш — уни тўғридан тўғри давлат ташкилотига айлантириш — кооперативларнинг табиий алоқалари, уларнинг сайлаб қўйиладиган органлари кўп миллионли пайчи аъзолари оммасидан ажралиб қолганлигидир, ҳозирги вақтда пайчилар амалда кооперация ишларида актив иштирок этишдан бутунлай четлаштириб қўйилганлар. Бошқача қилиб айтганда, матлубот кооперациялари меҳнаткашларнинг ташаббускор ташкилотлари бўлмай қолди.

Нотиқ матлубот кооперацияси фаолиятидаги камчиликларни таҳлил қилиб, қонуннинг кўпгина моддалари матлубот жамиятлари ишини авж олдиришга, тўла мустақиллик, хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш асосида уларни «озод қилиш»ни таъминлашга қаратилган деб таъкидланди. Эндиликда матлубот жамиятларини қайта тиклаш ва район кооператив союзларининг ролини ошириш юзасидан амалий ишларни рўёбга чиқариш муҳимдир, деди у. Бу ишни матлубот кооперацияларининг ҳуқуқлари ва вазифаларини, шунингдек область, ўлка, республика матлубот союзлари ва Центросоюзнинг ҳуқуқлари ва вазифаларини қайта кўриб чиқиб, уларни тубдан ўзгартириш, уларнинг ўзаро муносабатларини қайта қуришдан бошлаш керак. Системадаги бошланғич бўғинлар фаолиятига юқори союзларнинг аралашувини бутунлай тугатиш, майдачуйда ишларга аралашиб буйруқ беришини, кооператив ўз-ўзини бошқариш органлари ишини бажаришни бутунлай тугатиш жуда муҳимдир.

Кооператив хўжаликни ривожлантиришнинг барча масалаларини бошланғич бўғинларнинг ўзлари, пайчи аъзолар, уларнинг умумий йиғилишлари ва сайлаб қўйиладиган ижрочи-бошқарув органлари ҳал қилиши лозим. Равшанки, бу масалалар иқтисодий методлар ва шартнома муносабатлари негизида ҳал этилиши керак. Бунинг учун қонун ишончли ҳуқуқий асослар ва кафолатлар беради.

Матлубот кооперацияси қонун туфайли очилаётган янги имкониятлардан фойдаланиб, озиқ-овқат муаммосини ҳал этишга ва аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилашга салмоқли ҳисса қўшиши мумкин ва лозим.

Н. И. Рижков ишлаб чиқариш ва хизмат соҳаларидаги кооперация муаммоларига тўхталиб, кооперация ҳаракатида бу йўналишнинг жуда катта аҳамиятга молик эканлигини таъкидлади. Экономиканинг давлат сектори билан ҳамкорлик қилишда кооператорларнинг кенг тармоғи талаб билан таклиф ўртасидаги узилишни қисқа муддатда тугатишга имкон беради. Ишлаб чиқариш-техника мақсадлари учун маҳсулотнинг жуда кўп хилларини тайёрлашда, қурилишда, фан билан мустаҳкам боғлиқ бўлган кичик туркумдаги буюмларни тайёрлашда ҳам кооперативларнинг роли каттадир. Катта корхоналарнинг бундай ишлар билан шуғулланиши фойда келтирмайди, кооперативлар эса бунда муайян наф кўрадилар.

Кооперативлар тузиш — шунчаки бир мақсад эмас, балки бозорни моллар ва хизматлар билан таъминлашнинг, оқибат натижада бозорлардаги нарх-навони пасайтиришнинг қудратли воситасидир. Аммо ўзаро рақобат қилувчи кўпдан-кўп кооперативлар бўлган тақдирдагина бунга эришиш мумкин. Айни вақтда ҳозир кооператив тузиш, айниқса унинг ишини ташкил этиш баъзан жуда мураккаб бўлишини турмуш кўрсатиб турибди. Аслида, кооперация ҳаракатини ривожлантиришда пешқадамлик қилиши лозим бўлган Москвада ҳам кўпгина район Советлари, ҳатто Москва шаҳар ижроия комитети ҳам янги ташкил этилаётган кооперативларни бинолар билан таъминлаш учун имкони бўлган ҳамма ишларни қилганлари йўқ ва қилмаяптилар, хом ашё, материал ва асбоб-ускуна сотиб олишда уларга дурустроқ ёрдам бермаяптилар, ўз уставларини рўйхатдан ўтказган Москва кооперативларининг ярмидан сал кўпроғигина ишга киришди.

Қишлоқ жойларда ва кичик шаҳарларда моллар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш кооперативларини ташкил этиш мутлақо ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бу ҳолни оқлайдиган бирон-бир арзигулик баҳона йўқ. Чамаси, ҳамма гап иқтисодий фаолиятнинг янги турларига нисбатан маҳаллий органларнинг безовталик билан қараётганликларидадир.

Шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам кооперативларнинг моддий-техника таъминоти тобора кўпроқ актуал тус олмоқда. Ҳозир, аввало, уларга давлат корхоналарида йиғилиб қолган жуда турли-туман моддий бойликларнинг катта запасларидан фойдаланиш учун амалда имконият яратиб бериш керак. СССР Госснаби органлари кооперативларга катта ёрдам беришлари лозим. Улар савдо-сотиқ қилишни, ташаббускор бўлишни, запас ресурсларни илдам аниқлашни, корхоналарда ортиқча хом ашё, материал ва ишлаб чиқаришнинг ишга яроқли чиқитлари мавжудлиги тўғрисида ахборот олишни йўлга қўйишлари, шу моллар сотиладиган доимий виставкаларни уюштиришлари керак. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари экономиканинг кооператив секторини ривожлантиришга бошчилик қилишлари, уни социалистик қурилишнинг қудратли воситасига айлантиришлари лозим, деди докладчи. Айни улар энг ваколатли халқ ҳокимияти органи ҳуқуқи ва имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланиб, кооперацияга қайта қуришнинг асосий йўналишларида кучимизга куч қўшувчи чинакам оммавий тус беришлари зарур.

Янги қонуннинг новаторлик руҳи турли-туман сийқа усуллар, кампанячилик, қотиб қолган фикрлар ва ҳаракатлар билан чиқишмайди. Энг муҳими шуки, аввал бошданоқ кооперация ҳаракатининг ривожланиб бораётган жонли организми бюрократизм ботқоғига ботиб қолишига йўл қўйилмасин. Бутун иш пухта ўйлаб, аниқ ташкил этилсин. Аввало, ҳар бир регионда озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти, саноат моллари таъминотини яхшилай оладиган, маиший хизматларга ва бошқа турдаги хизматларга бўлган эҳтиёжларни қондира оладиган кооперативлар тузиш биринчи ўринга қўйилмоқда.

Кооперация озиқ-овқат фондини тўлдиришга катта ҳисса қўша олади. Бу муаммони ҳал этишга колхозлар билан бир қаторда ҳамма турдаги қишлоқ хўжалик ва матлубот кооперативларини жалб этиш лозим. Советларнинг ёрдами билангина кооперативлар қисқа муддатда ҳар бир район, шаҳар, область, ўлка ва республика экономикасида салмоқли ўрин олиши мумкин.

Муваффақият кўп жиҳатдан давлат бошқаруви барча бўғинларининг зўр ғайрат билан баҳамжиҳат ҳаракат қилишларига ҳам боғлиқ бўлади. Уларнинг куч-ғайратлари умумхалқ манфаатлари йўлида кооперация ҳаракатини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашишга қаратилиши керак.

Кооперация тўғрисидаги қонунни 1988 йилнинг 1 июлидан кучга киритиш таклиф этилади. Вақт жуда зиқ, деб таъкидлади СССР Министрлар Советининг Раиси. Бир қанча йирик қонун актларини қайта кўриб чиқиш янги қонунни ўз вақтида кучга киритишнинг зарур шартидир. ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг гражданлик, шунингдек ер қонунлари асослари назарда тутилади.

Кооперация ҳаракатини юксалтириш ҳақида иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари алоҳида ғамхўрлик қилишлари лозим. Иш шундай олиб борилсинки, кооперацияни фаол қўллаб-қувватлаб, унинг афзалликларига таяниб, ҳар бир регионни ва умуман республикани комплекс ривожлантириш вазифаси сабот билан изчил ҳал этиладиган бўлсин. Бу — регионда ўзини ўзи таъминлаш, ўз ҳаражатларини ўзи қоплаш, аҳолининг пул даромадлари билан харажатлари мувозанатли бўлишига эришишнинг энг муҳим йўлидир. Кооперациянинг имкониятлари ва бошқарувнинг тармоқ органлари тўла-тўкис ишга солиниши керак.

СССР Олий Советининг ушбу сессияси, деди пировардида Н. И. Рижков, мамлакат учун жуда масъулиятли даврда, совет жамияти тараққиётидаги туб бурилиш босқичида ўтмоқда. Кооперация тўғрисидаги Қонун Ватан тақдири учун мана шу тарихий давр руҳи билан суғорилган. Қонунни халққа хизмат қилдириш — халқ бахт-саодати йўлида, юксак идеалларимиз йўлида янада зўр ғайрат билан ишлаш демакдир. **(Давомли қарсаклар).**

(ТАСС).

ТАРАҚҚИЁТНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИДА

М. С. Горбачевнинг танланган нутқлари ва мақолаларининг бешинчи томи нашрдан чиқди. Унга киритилган ҳужжатлар 1987 йилнинг апрелидан декабригача бўлган нисбатан қисқа, лекин жуда кўп муҳим воқеалар бўлиб ўтган даврни ўз ичига олади ҳамда ички ва халқаро сиёсатнинг жуда кўп энг долзарб муаммоларига тааллуқлидир.

Тараққиётнинг икки асосий йўналишида — жамиятни демократиялаш ва туб иқтисодий ислоҳот йўналишларида партия зўр ғайрат билан олиб борган ишлар китобга киритилган материалларда ўзининг ёрқин ифодасини топган. Планета тараққийпарвар кучларининг термоядро фалокатининг олдини олиш учун, ўзаро боғлиқ ва яхлит ҳозирги дунё шароитида янгича сиёсий тафаккурни, янгича фалсафа ва амалий ҳаракатларни қарор топтириш учун кураши масалаларига бағишланган нутқлар ва мақолаларга китобда кенг ўрин берилган.

Китобни Сиёсий адабиёт нашриёти босмадан чиқарди.

(ТАСС).

ДЎСТЛИГИМИЗ АБАДИЙ

ТЕРМИЗ, 23 май. (ЎзТАГ). «Қайтиб келганингиз билан самимий қутлаймиз. Сизлар ўз бурчингизни шараф билан адо этдингиз. Қаттиқ қучоқлаб ўпамиз. Собиқ «афғон» — Нечипоренконинг ота-онаси». Ҳозир мамлакатнинг турли жойларида Термизга шу мазмундаги телеграммалар келмоқда. Афғонистон республикасида 'интернационал бурчини адо этган совет қўшинлари яна бир мотоўқчи колоннасининг Ватанига қайтишига бағишлаб бугун ўтказилган митингда телеграммалардан бири ўқиб берилди.

Жонажон диёр ўз фарзандларини, учинчи марта кутиб олмоқда. Колонна командири подполковник Л. Г. Мохов Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи

ЭЗГУЛИК, ТИНЧЛИК ВА ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ ҒОЯЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

(Боши 1-бетда).

беллаша оладиган киноустаҳларнинг номлари пайдо бўлди. Шундай қилиб, соғлом мусобақанинг рағбатлантирувчи руҳини акс эттирмайдиган «конкурссиз Тошкент» уч қитъа кинематографиясини янада юксалтиришга тўғаноқ бўлмаяптимикин, деган савол тез-тез берила бошлади. Чунончи, Гавана, Карфаген, Дамашқ шаҳарларида ҳам бир қанча навқиронроқ халқаро кўриклар шу таҳлитда — конкурс принципи асосида ўтказилмоқда. Тажрибанинг кўрсатишича, бу нарса фестиваль экранига саёз фильмларнинг чиқиши йўлини тўсади. Халқаро кўрикка кириб қолган бўш фильмнинг обрўси ҳеч қачон ошмайди.

Тошкент санъат саройида ўтадиган конкурс фильмларига ўн бешта картина танлаб олинди. Таниқли режиссёр Мигель Литтин (Чили ватанпарварлик кучлари) бошчилигидаги жюри шулардан энг яхшиларини айтиб беради. 45 яшар бу кино устаси «Марусиа Конидаги воқеалар» фильми учун «Оскар» мукофотини ва «Альсино ва бургут» картинаси учун XIII Москва Халқаро кинофестивалининг бош совринини олган. М. Литтин 1973 йилги фашистлар тўнтаришидан сўнг Мексикага бориб қолган.

Бош совриндан ташқари, хотин-қизлар ва эркаклар ролларини энг яхши ижро этганлик учун, энг яхши дебют учун ҳам мукофотлар белгиланган. Кино санъатида миллий анъаналарни сақлаганлиги ва ривожлантирганлиги учун совринни қўлга киритган лента авторларига эшак минган Хўжа Насриддиннинг ҳайкалчаси топширилади ва у ўзбек диёридаги учрашувларни эслатиб туради. Республиканинг етакчи рассомлари фестиваль совринларининг энг яхши эскизлари конкурсида қатнашдилар ва бу совринлар Тошкент корхоналарида тайёрланди.

Яна бир янгилик. Фестиваль доирасида илк бор кинематографчилар профессионал клуби — мунозара, мулоқотлар ўтказиладиган, тажрибалар баҳам кўриладиган жой— «ПРОК-88» ташкил этилди. Кино бозорида олди-сотди бошланиб кетди. Бозорнинг доимий қатнашчилари — Ҳиндистон, Япония, Ироқ, Мексика, Бразилия кинопрокатчилари билан бирга Колумбия, Зимбабве, Замбиядан илк бор кинобизнес вакиллари, шунингдек АҚШ, ГФР, Италиядан мутахассислар келадилар. «Кино ва миллий маданият анъаналари» симпозиуми ҳам ўтказилади.

В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройида анжуманнинг тантанали очилишида М. С. Горбачевнинг Тошкентда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари Х Халқаро кинофестивалининг қатнашчилари ва меҳмонларига йўллаган табриконмаси узоқ давом этган қарсаклар билан кутиб олинди. Табриконмани СССР Давлат кинематография комитетининг раиси А. И. Камшалов ўқиб эшиттирди.

Фестиваль ташкилот комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. У. Султонова Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика ҳукумати номидан фестиваль қатнашчилари ва меҳмонларини табриклади. Кинофестиваль ҳаракатининг мазмундор ва жўшқин тарихи Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари кинематографияси оммага билим бериш ва уни тарбиялашда тобора кўпроқ роль ўйнамоқда, ҳарбийлаштиришга, жабр-зулмга, ирқчилик ва миллатчиликка қарши курашчилар сафларига қўшилмоқда, озодлик ва тенглик учун, янги, бахтиёр ва муносиб ҳаёт учун курашда кучли қурол бўлаётганлигини яққол тасдиқламоқда, деди у. Тошкент кўригининг байроғи остида уч қитъа кино санъати янада ривожланиб, дўстлар ҳозирги учрашувининг «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун» деган илҳомбахш шиорини янги ажойиб мазмун билан тўлдиради.

Сўнгра Мигель Литтин фестиваль халқаро жюрисининг аъзоларини: кубалик актриса Дейси Гранадос, Ҳинд режиссёри Кетан Мехт, тунислик режиссёр Абелатиф Бин Амар, хитойлик режиссёр Се Дзинь, япон режиссёри Огури Кокей, совет режиссёрлари Али Ҳамроев ва Давлат Худоназаровни таништирди.

Мигель Литтин ривожланаётган мамлакатларнинг кинематографияси бюрократия ва коммерциянинг зўр тазйиқига дуч келаётган ҳозирги пайтда эрксевар санъат намояндаларининг Тошкентдаги учрашувлари айниқса муҳим эканлигини қайд этиб ўтди...

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг ўнинчи халқаро кинофестивали очиқ, деб эълон қилинади. Фестиваль байроғи кўтарилди. Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг гимнлари янграйди.

Кинофестивалнинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов, СССР Кинематографчилар союзи правлениесининг биринчи секретари вазифасини бажарувчи А. С. Смирнов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

Анъанавий фестивалнинг муҳим хусусияти шуки, у уч қитъа кинематографчилари ижоди билан яқиндан танишиш, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш имкониятини беради.

СУРАТДА: ўзбек кино санъати намояндалари Малик Қаюмов (чапдан учинчи), Мэлс Абзалов (ўнгда) мексикалик ҳамкасблари билан.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ фотолари.

«Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» шиори остида ўтаётган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг халқаро Х кинофестивали байроғи серқуёш республикамиз пойтахти узра ҳилпираяпти. Кеча бу йирик анжуман тантанали равишда очилди.

СУРАТДА: монголиялик меҳмонлар Насон Бояр, Ладем Сурен, Юзу Ндуст ва ғарбий африкалик Китна Туре мулоқот пайтида.

ЖАЗОИР: ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ

«Ҳодиса» фильми ёш режиссёрлар томонидан қўйилган тўрт новелладан иборат. Мустамлакачилар билан жанг қилиб, қамалган ва турмаларда қийноқларга дучор бўлган ёзувчи аёл Зор Зерари қиссаси унинг сценарийси асосини ташкил этади. Халқнинг озодлик ва мустақиллик учун қаҳрамонона курашига бағишланган бу лента Тошкент фестивали қатнашчилари ва меҳмонлари ўртасида зўр қизиқиш уйғотди. Фильм муаллифлари рўй бераётган воқеаларнинг моҳияти ва мақсадини бузиб кўрсатишга, миллий-озодлик кураши йўлидан бораётган халқларга туҳмат ёғдириш ва чалғитишга уринаётган империалистик оммавий ахборот воситаларининг кирдикорларини фош этишга муваффақ бўлганлар.

Жазоирлик таниқли режиссёр Аҳмад Рашидийнинг «Али мўъжизалар мамлакатида» фильми фестивалда тан олинган энг яхши лента-лардан бири саналади. Муаллиф у орқали замонага мурожаат этади. У ўз фильмини ишчиларнинг Ғарб мамлакатларига кўчиб бориш муаммоларига бағишлайди. Воқеа Парижда бўлиб ўтади. Фильм қаҳрамони Али мўъжизалар мамлакатига ишлаш учун келган кўпгина жазоирликлар сингари қурилиш ишчиси, кранчи. Аммо ажойиб шаҳарда у ва у каби муҳожирлар муҳтожликда яшайдилар.

Мусоҳабаларидан бирида Аҳмад Рашидий бундай деди:

— Кино ҳаёт кўзгусидир. Шундай экан, воқелигимизни ҳаққоний акс эттиришимиз даркор. Бунинг учун эса халқ турмушига, кундалик ҳодисаларга сергаклик билан назар ташлаш, янгиликларни илғай олиш лозим. Энг муҳими: халқ орзу-умидларини, интилишларини яхши билиш зарур. Бунга қандай эришилади? Далалар, заводларда мунтазам бўлиб, деҳқонлар ва ишчилар билан суҳбатлашиш даркор. Бўлажак асарга шу йўл билан материал тўпланади.

Жазоирлик кинематографчилар совет ҳамкасблари билан ижодий алоқаларга катта эътибор бермоқдалар. Улар бундан кейин ҳам шундай қилишни мўлжаллаяптилар. Тошкент кинофестивалида бўладиган учрашувлар бунга катта имкониятлар очиб беради.

Жазоирнинг бугунги ҳаётидаги мураккаб қарамақаршиликлар ва муаммолар, демократик қайта қуришлар мамлакат кино санъатида ўз ифодасини топмоқда. 1971 йил охирида бошланиб, Алжираной инқилоби деб ном олган аграр ислоҳот янги шакл ва мавзулар излаб топишда кинематографчиларга катта ёрдам берди. Улар яратган фильмларда ижтимоий таҳлил синфий кураш назариясига асосланган. Муаллифлар учун икки душман — катта ер эгаси ва бюрократ бор. Жазоирнинг энг яхши фильмларида томошабин билан мулоқот қилишга интилиш яққол сезилиб туради. Аниқ сиёсий дунёқараш сюжет ва мавзуларни тўғри танлашга имкон бермоқда.

Режиссёр Амари Ласкарининг «Фойдали» картинаси муваффақиятли намойиш этилди. Бу ёш, қобилиятли санъаткорнинг иккинчи йирик асаридир. Унинг «Шарқ қа соқчи» тўла метражли фильми мустамлакачиларга қарши озодлик урушига, партизанлар жасорати ва қаҳрамонлигига бағишланган. Ласкари бу лентасида Жазоир Халқ Демократик Республикасида амалга оширилаётган қайта қуришнинг мураккаб, кенг қиррали жараёнини акс эттиришга уринди. Ўзига мамлакатнинг вилоят районларини ҳаёти тўғрисида ҳужжатли картина яратиш топширилган журналист «Фойдали» фильмининг асосий ҳаракат этувчи шахсидир. У бир қишлоқдан иккинчисига ўтиб, турли ижтимоий қавмлар билан учрашиб, бутун мамлакат ҳаётини билишга эришади.

Ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар туфайли миллий кинематографияда «Ёш кино» деган янги йўналиш пайдо бўлди. Муҳаммад Буамарининг «Кўмирчи» ва «Мерос», Дамардажи Жаъфарнинг «Ҳурматли оила», Муса Ҳаддаднинг «Тол остида», Сид ал-Мазиднинг «Кўчманчилар» ленталари ана шу оқим маҳсулотлари жумласига киради.

Жазоирнинг замонавий кино санъати эришган муваффақиятлар миллий-озодлик ҳаракати, жамиятдаги инқилобий қайта қуришлар мавзуини экранга олиб чиқиш билан изоҳланади. Слим Риад, Сид ал-Мазид каби режиссёрлар бу йўлда айниқса қувончли ютуқларни қўлга киритдилар.

Жазоирнинг илғор кинематографчилари мамлакатимиз билан ижодий алоқани тобора мустаҳкамламоқдалар. Аҳмад Рашидий ўзининг янги фильмига совет актёрларини жалб этишни мўлжалламоқда. Жазоир киносининг кадрлари СССР ва социалистик мамлакатларнинг киностудияларида тайёргарликдан ўтишаяпти.

А. МАРКОВ.

СПОРТ ахборот

БАДИИЙ ГИМНАСТИКА

Хельсинкидаги «Яхалли» спорт саройида Европа чемпионати ниҳоясига етди. Бу мусобақада мамлакатимиз вакиллари яхши қатнашдилар. Шуниси диққатга сазоворки, қитъа биринчилигида илк бор уч гимнастикачи мутлақ чемпион унвонини қўлга киритди. Совет спортчиси Александра Тимошенко, болгариялик Элизабет Колева ва Андриана Дунавска ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасини банд этдилар.

Қўшкураш бўйича группа маққларида Болгария гимнастикачилари ғолиб чиқишди. Совет спортчилари иккинчи ўрнини эгалладилар.

БОКС

Невада штатида (Вашингтон) СССР ва АҚШ оғир вазнли боксчиларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда фрунзелик А. Курнявка А. Конрадни, Москва областилик С. Кобозев Ж. Пембертони, москвалик А. Золкин Г. Бутлерни доғда қолдиришди.

Омсклик А. Островский, жамбуллик Е. Зайцев, тошкентлик Р. Тришев ва ленинградлик В. Яковлев рақибларидан енгилишди.

ШАХМАТ

Амстердамда тўрт гроссмейстер ўртасидаги мусобақанинг еттинчи тури бўлиб ўтди. Жаҳон чемпиони Гарри Каспаров 45-юришда Ван Дер Вилни мағлубиятга учратди. Анатолий Карпов — Ян Тимман учрашувида кучлар тенг келди.

Мусобақада жаҳон чемпиони пешқадамлик (5 очко) қилаяпти. Кейинги ўринда Анатолий Карпов бормоқда.

* * *

Югославиянинг Пула шаҳрида якунланган халқаро турнирда совет гроссмейстерлари Анатолий Вайсер ва Юрий Разуваев майдон эгалари вакили Огнен Цвитан билан 1—3-ўринларни бўлишиб олдилар. Улар тўқ-қизтадан очко тўплашди. Бухольц асос солган қоида бўйича энг яхши шахматчи деб тан олинган Вайсер мусобақа соврини билан тақдирланди. 7,5 очко жамғарган Ирина Левитина ҳам ана шундай мукофотга сазовор бўлди.

ВЕЛОПОЙГА

Анъанавий Тинчлик велопойгаси ниҳоясига етди. Команда ҳисобида мамлакатимиз спортчилари зафар қучдилар. ГДР ва Польша пойгачилари иккинчи-учинчи ўринларни эгаллашди.

Шахсий биринчиликда Уве Амплер (ГДР) ғолиб бўлди.

ШАШКА

Халқаро шашка бўйича СССР биринчилиги минсклик гроссмейстер Зоя Садовская-нинг ғалабаси билан тугади. Ғолиб ўн беш имкониятдан 10 очко тўплади.

Харьковлик А. Хоруженко кумуш, киевлик Н. Янковская бронза медалини қўлга киритдилар.

ЧИМ ХОККЕЙИ

Хотин-қиз командалари (олий лига) навбатдаги тур учрашувларини ўтказишди. Тошкент областининг «Политотдел» командаси икки бор енгилди. Колхоз хоккейчи қизлари Москвада СКИФ коллективига ютқаздилар — 0:2, 0:3.

Шяуляйнинг «Таурас» коллективи «Андижанка»ни қабул қилди. Биринчи учрашув майдон эгалари фойдасига (2:1) тугади. Такрорий ўйинда андижонликлар ғолиб (1:0) чиқишди.

Бошқа учрашувлар натижаси: «Спартак» (Москва)— «Связист» (Олмаота) — 1:0, 0:1, ТТУ (Горький) — «Текстильщик» (Тирасполь) — 2:3, 1:0, «Ритм» (Гродно) — «Связист» (Боку) —2:0, 1:0.

Чемпионатда саккиз учрашувдан ўн иккитадан очко тўплаган «Андижанка», «Политотдел» ва «Связист» (Олмаота) командалари олдинда боришаяпти.

Редактор ўринбосари Н. ЁҚУБОВ.

РЕКЛАМА, ЭЪЛОНЛАР

«ВИКО» МЕБЕЛИ



Бу корпусли мебель термасини уйингизда квартиранинг архитектура-планлаштириш ечимига қараб турлича жойлаштириш мумкин. Кийим-кечаклар, ёстиқ-кўрпа жилдларини ва чойшаблар, идиш-товоқлар ва китоблар қўйиладиган тўртта шкафни битта яхлит «стенка» ҳолида ёки айрим-айрим жойлаштиришингиз мумкин.

Бу ёғи Сизнинг дидингизга ва мебель жойлаштириладиган хонанинг имкониятларига боғлиқ.

Терманинг умумий узунлиги — 3м 40 см, баландлиги — 2 м 25 см.

Шкафларнинг олд томони қоплама фигурали кичкина бруслар ҳамда махсус фурнитура билан безатилган.

«ВИКО» мебели термаси — Самарқанд мебель фабрикасида тайёрланган. Баҳоси — 658 сўм. Самарқанд ва Тошкент мебель магазинларида сотилмоқда. Тошкентдаги «Мебель» фирма магазинининг адреси: Юнусобод массиви, 8-квартал, 39-уй.

САМАРҚАНД МЕБЕЛЬ ФАБРИКАСИ.

ЎЙНИ ЁНҒИНДАН АСРАНГ!

АГАР СИЗ УЙИНГИЗГА ЎЗ ВАҚТИДА ОЛОВДАН МУҲОФАЗА ЭТУВЧИ СОСТАВ БИЛАН ИШЛОВ БЕРСАНГИЗ, ТУРАР-ЖОЙИНГИЗНИ ЁНҒИН БАЛОСИДАН ҲАЛОС ЭТАСИЗ!

Маълумки, замонавий квартиралар, дала ҳовли ва боғ уйчалари турли газ ва электр рўзғор асбоблари билан жиҳозланган бўлиб, уларда катта миқдорда химиявий препаратлар йиғилиб қолади. Бу эса мазкур асбоблардан фойдаланиш қоидалари салгина бузилган тақдирда ҳам ёнғин чиқиш ҳавфини туғдиради. (Текширишларда аниқланишича, уй-жой секторидаги 70 процентдан ортиқ иморатларда ёнғин чиқиш хавфи мавжуд экан).

Хонадонингизни ва ўз ҳаётингизни ёнғиндан сақлаб қолиш учун ҳар бир уй эгаси иморатлар, дала ва боғ ҳовли уйчалари, шунингдек ёрдамчи хўжалик биноларидаги ёғочдан ишланган конструкцияларга ўз вақтида оловдан муҳофаза этувчи состав билан ишлов бериши зарур.

Хусусий уйлардаги ёғоч конструкцияларга оловдан муҳофаза этувчи состав билан ишлов бериш тадбирларини Ўзбекистоннинг ҳар бир шаҳарида ва район марказида мавжуд бўлган қўнгилли ўт ўчириш жамиятларининг мутахассислари бажарадилар.

Ишлов бериш ҳақи — 1 квадрат метр ёғоч тўсин ва панжара учун 15 тийинни ташкил этади.

ЕДИНГИЗДА БЎЛСИН!

ОЛОВДАН МУҲОФАЗА ЭТУВЧИ СОСТАВ БИЛАН ЎЗ ВАҚТИДА ИШЛОВ БЕРИШ — УЙ-ЖОЙ ВА МОЛ-МУЛКИНГИЗНИ ЁНҒИН ХАВФИДАН ОМОН САҚЛАБ ҚОЛАДИ!

Қўнгилли ўт ўчириш жамиятига мурожаат этсангиз, у ердаги мутахассислар бу ишни тез фурсатда сифатли қилиб бажаришади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ҚЎНГИЛЛИ ЎТ ЎЧИРИШ ЖАМИЯТИ.
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

ТЕЛЕВИЗОР ХИЗМАТДА

26 МАЙ, ПАЙШАНБА

● МТ I

7.00 **«120 минут».**
9.05 «Салом, музика!». Болалар хор коллективларининг конкурси.
9.50 «Икки қўён ортидан қувиб...» Бадиий фильм.
11.05 Янгиликлар.
11.15 Пибоди консерваторияси симфоник оркестрининг концерти (АҚШ).

* * *

16.00 Янгиликлар.
16.15 **СССР Олий Советининг депутатлари сўзлайдилар.**
16.25 «Беш йиллик: ишлар ва одамлар». **«Кўп сменали»** (Киев), **«Бошқа йўл йўқ»** (Душанба). Ҳужжатли фильмлар премьераси.
17.05 Болалар учун фильм. «Яшил орол сири» («Туркманфильм»).
18.15 «Рассом устахонасида». Н. Андронов.
18.30 «Фидойи шахслар».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.35 М. Логинов чалади (балалайка). Донецкдан кўрсатилади.
20.00 «12-қават».
21.30 **«Время».**
22.05 **СССР Олий Советининг депутатлари сўзлайдилар.**
22.15 «Эфирда музика». Танаффус пайтида (23.15) — «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.

Ўқув программаси

9.15 «Ватан фарзанди». Илмий-оммабоп фильм.
9.35, 10.35 Табиатшунослик. 4-синф. Усимликлар ва сувда яшовчи ҳайвонларнинг хилма-хиллиги.
9.55 «Рамкасиз портрет». Илмий-оммабоп фильм.
10.05 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.55 «Фридрих Цандер. Қайтиш». Илмий-оммабоп фильм.
11.05 СПТУ ўқувчиларига. СССР-нинг ташкил топиш тарихи.
11.35, 12.35 Биология. 7-синф. Шаҳар табиати.
12.05 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
13.00 «Баҳор». Бадиий фильм.
14.45 **«Уя».** Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Боку).
15.20 Янгиликлар.
15.30 **Такрорий телефильмлар кундузги сеанси.** «Оқ шаман». 3-серия.

* * *

18.35 Янгиликлар.
18.45 **«Ёшлар саройи».** Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Ереван).
19.00 Ритмик гимнастика.
19.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!
20.45 Халқ чолғулари садолари.
21.15 «Агар соғлом бўлай десанг». 3-кўрсатув.
21.30 **«Время».**
22.05 **СССР Олий Советининг депутатлари сўзлайдилар.**
22.15 **«Совет Иттифоқи портрети».** Ҳужжатли фильм премьераси (АҚШ маҳсулоти). 1-серия — «Россия онаси». 2-серия —«Сибирь: муз ва олов».
00.05 Янгиликлар.

● ЎзТВ

14.30 «Чинор тагидаги дуэль». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
15.45 **«Ёшлик»** студияси кўрсатади. «Қандай студент бўлиш мумкин?»
16.15 Ҳужжатли фильмлар программаси.
17.30 «Ўқитувчи экрани». Олти ёшлиларга рус тилини ўргатишнинг дастлабки натижалари ҳақида (рус.).
18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.25 Болалар учун. «Санъат ғунчалари» (такрор.).
19.00 «Хўжасизликка барҳам берайлик». Ўзбекистон телевидениеси, «Қишлоқ ҳақиқати» газетаси ва ЎзССР Давлат нефть инспекциясининг биргаликдаги рейди.
19.30 Самарқанд шаҳар «Маржон» қрим татар ҳаваскорлик вокал чолғу ансамблининг концерти.
20.00 **«Ахборот»** (рус.).
20.20 «Шеърият саҳифалари». Мирмуҳсин.
20.30 **«Ахборот».**
20.50 «Қизлар гулдастаси». Концерт.
21.30 Москва. **«Время».**
22.05 Москва. **СССР Олий Советининг депутатлари сўзлайдилар.**
22.15 **«Фестиваль учрашувлари».**
23.45 «Ўзбекистоннинг навқирон балети». Фильм-концерт.
00.15 Кўрсатувлар программаси.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 «Плюшчиҳадаги уч терак». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия).
20.45 Реклама.
20.50 «Озиқ-овқат программаси — умумхалқ иши».

ДУШАНБА КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. **«Время».**
22.05 Москва. **СССР Олий Советининг депутатлари сўзлайдилар.**
22.15 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. «Чойхонаи мушфиқий» (1 апрелдаги кўрсатув такрорланади).

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»— «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»

Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари —33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул секретарь — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими —33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими —32-56-34. Деҳқончилик бўлими —33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими —32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими —32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими —32-54-52. Таржима бўлимлари —32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими —33-81-42.

Р. — 16649

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

А. 2005.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12